БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 63 (19.734). • 1987 йил 18 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Аҳил коллектив

● Тошкент агрегат заводидай Владимир Жуков бошлиқ бригада барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори баҳога — 10 балл олишга эришди. Бу эса редуктор валларини ишлашда банд бўлган коллектив планни ошириб бажарганлигини, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини эплаганлигини, бракка ва интизомни бузиш ҳолларига йўл қўймаганлигини билдиради.

Г. Ивченко, Г. Беркетов, В. Пориткин, Д. Тўхтаев бошлиқ бригадалар ҳам астойдил меҳнат қилдилар. В. Жуков бошлиқ бригадагина мусобақа пешқадами кўчма Қизил байроқчасини олти ойдан буён ўз қўлида сақлаб келмоқда. Улар шу вақт давомида ягона наряд асосида — контролерсиз ишлаб, бутун маҳсулотни дастлабки тақдим этишдаёқ топширмоқдалар.

Коммунистик меҳнат бригадаси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йилликнинг икки йили топшириғини 7 ноябргача бажариш — унинг асосий бандларидан биридир.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

МУҲИМ МАВЗУ

Оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасига ва КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорига зўр қизиқиш билдирмоқда. Октябрь революцияси, — деб таъкидлайди газеталар, — XX асрнинг энг буюк воқеасидир. Давр унинг мислсиз аҳамиятини, социалистик ижтимоий ривожланиш яратаётган улуғвор имкониятларни очиб берди. Улуғ Октябрь, — дейилади Чехословакияда чиқариган «Руде право» газетасининг бош мақоласида, инсоният тарихида диалектик сакраш қилинганлигини, янги социал система юзага келганлигини билдиради. Эндиликда социализм Октябрь идеалларининг ҳаётийлигини тасдиқлаб, жаҳон системаси сифатида ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Чехословакия меҳнаткашлари Улуғ Октябрь ғояларига содиқ эканликларини, СССРда амалга оширилаётган қайта қуриш принципларини, КПСС XXVII съезднинг уларни социализм қуришда янгиянги муваффақиятларга эришиш учун курашга илҳомлантираётган якунларини қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор маълум қиладилар.

Ҳозирги вақтда совет халқи фан-техника революцияси, қайта қуриш ва социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш шароитида социализмнинг нималарга қодир эканлигини намойиш қилиб, тарихий жасорат кўрсатмоқда, деб ёзади Болгариянинг «Земделско знаме» газетаси КПСС Марказий Комитети ҳужжатларини шарҳлаб. Софияда чиқадиган «Народна младеж» газетаси КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси реализми, жўшқинлиги, бунёдкорлиқ ва шу билан бирга сафарбарлик руҳи билан эўр таассурот қолдиради, — деб уқтиради.

Жаҳон матбуотида Европада ўртача олислик ракеталарини тугатиш масаласига оид совет таклифларига қизиқиш ҳамон пасаймаяпти. Бу таклифларни, деб ёзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, Ер юзидаги миллион-миллион кишилар қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар. Чунки мазкур таклифларда улар қуролланиш пойгасини тўхататиш, халқаро иқлимни яхшилаш ҳамда планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш имконияти мавжудлигини кўриб турибдилар.

(ТАСС).

ДЕҲҚОН БАҲОРИ

Баҳор нафаси борлиқни уйғотиши билан далалар бағрига минглаб агрегатлар из солишди. Механизаторлар беш йилликнинг иккинчи баҳорини орзиқиб кутиб олишди. Улар кузги экинларни озиқлантиришга киришдилар, қўклам неъматларн уруғларини сочишмоқда, ўтлоқ ва яйловлар қаровини бошлашди.

КПСС XXVII съездида агросаноат комплекси меҳнаткашлари олдига қўйилган муҳим масала — шу беш йиллиқдаёқ озиқ-овқат таъминотини сезиларли даражада яхшилаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларини ҳар томонлама оширишга эришиш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш — баҳорги экин-тикин ишларининг қай даражада ўтказилишига боғлиқдир. Агросаноат органлари ўзларининг ишлаб чиқариш потенциалларидан самарали фойдаланишлари, колхозлар ва совхозларга ишлаб чиқаришни интенсивлашда, планда белгиланган маҳсулотларни тўла етиштиришда зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари керак.

Сир эмас, илгари шундай ҳоллар бўлардики, айрим хўжалик раҳбарлари иш юришмаган кезларда барча айбни ноқулай об-ҳаво шароитларига тўнкаб, сувдан қуруқ чиқишга интилишарди. Тўғри, об-ҳаво баъзан деҳқонларга кўплаб мушкулликлар туғдираётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо, фақат об-ҳавогина айбдор эмас-да, ахир!! Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, улар қолоқлар билан бир хил ер, сув ва об-ҳаво шароитида ёнма-ён туриб, экин-тикин ишларини энг яхши агротехника муддатларида ўтказишга, уруғликларнинг сара бўлишига, тупроқнинг минерал ва органик ўғитлар билан тўйиннишига —провардида, йил сайин мўл-кўл ҳосил тўплашга эришмоқдалар.

Айни пайтда айрим колхоз ва совхозлар дала ишлари суръатини пайсалга солиб, юмушлар муддатини ҳуда-беҳуда чўзиб юбормоқдалар, агротехника талабларини бузмоқдалар, Табиийки, бу уларни турган жойларида доим депсиниб қолишга, ёки олдинроқ эришган даражаларидан ҳам пасайиб кетишга олиб келмоқда. Масалан, ўтган йил Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича белгиланган план топшириқларини бажармадилар. Республиканинг кўпгина хўжаликлари пахта, гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш миқдори ҳамда сифатини муайян даражада оширишга эришган бўлсалар-да, Хатирчи районидаги «Олтинсой» совхозида, Марҳамат районидаги Куйбишев номли, Избоскан районидаги Ленин номли, Хива районидаги Энгельс номли колхозларда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Маҳсулот етиштиришдаги бундай оқсашлар сабаби маҳаллий партия ташкилотларига, агросаноат бирлашмаларига яхши маълум. Уларнинг бурчи —колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига камчиликларни тугатишда ёрдам беришдан, деҳқончиликнинг маҳаллий шарт-шароитларини ўрганишдан, илғор тажрибаларни, интенсив технологияни, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларини фаол жорий этишга эришишдан иборатдир.

Деҳқонлар, хўжаликлар ва РАПО мутахассислари шунга тўла иқрорларки, экин майдонлари структурасининг бузилиши қишлоқ хўжалигига жуда катта зиён етказади. Бундай шароитда алмашлаб экишнинг илмий асосларини ўзлаштириш жуда қийиндир. Айниқса, пахта, дон, сабзавот, озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга эришиб бўлмайди. Хоразм, Самарқанд, Андижон областлари колхоз ва совхозларида бу борада сусткашлик қилинмоқда. Ўтган йили республикамиз пахтачилик хўжаликларида тавсия этилган 2 миллион гектар ўрнига 572,4 минг гектар (топшириққа нисбатан 21,8 процент) майдонда алмашлаб экиш йўлга қўйилди, холос. Бир қатор хўжаликларда бу иш билан мутлақо шуғулланилмади ҳам! Республика Давлат агросаноат комитети қисқа вақт ичида барча районлар ва хўжаликларда алмашлаб экиш агротехникаси тадбирларининг тўла ўзлаштирилишини таъминламоғи лозим.

Айниқса, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш — баҳорги дала ишларининг пухталигига боғлиқ. Ҳолбуки, ўтган йили республикамизда 68 минг гектар суғориладиган майдон қишлоқ хўжалиги оборотидан тушиб қолди. Бу— ҳар йили ўзлаштирилаётган экин майдонлари ҳажмининг қариб 70 процентн демак. Эскидан суғориб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш юмушлари вақтида ўтказилмаганлиги сабабли 206 минг гектар ер кучли, 546 минг гектар ер ўртача даражада шўрланиб кетди. Бу ҳол республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиш давлат комитети ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими коллективлари олдига масъулиятли вазифалар қўяди.

Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида республикамиз деҳқонлари жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари — биргина пахтачиликнинг ўзида 2 миллион гектардан ортиқ ерга чигит экишлари керак. Ҳозир улар ихтиёрида баҳорги юмушларни муваффақиятли ўтказишлари учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор: техника, уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар етарлича ғамлаб қўйилган. Турли хил маркали 202 мингтага яқин тракторлар, салкам 46 минг сеялка, 51 мингдан зиёд культиваторлар, бир неча юз минг тонналаб уруғлик, ўғит ва нефть маҳсулотлари дала меҳнаткашлари ихтиёрида. Галдаги вазифа—қишлоқ хўжалигининг барча тур экинларидан мўл ҳосил олиш учун колхозлар, совхозлар, РАПО раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлари, қишлоқда хизмат қилувчи ҳамма корхона ҳамда ташкилотларнинг меҳнат коллективлари юксак уюшқоқлик кўрсатиб, зўр ғайрат билан ишлашларидан иборат.

Экин-тикин ишларининг муваффақиятини техника воситаларининг шайлиги ва механизатор кадрларнинг малакаси ҳам белгилаб беради. Фарғона, Тошкент, Наманган, Сурхондарё областлари хўжаликлари мавжуд агрегатларни ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйишга улгурдилар. Аммо, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг айрим хўжаликларида бу ишда ҳали хотиржамлик ҳоллари юз бермоқда. Аҳволни ўнглаб олиш, иш суръати ва сифатини оширш учун ремонтчиларга, дала меҳнаткашларига зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш—агросаноат комитетлари ва бирлашмаларнинг, хўжалик раҳбарларининг энг зарур вазифалари сирасига киради.

Бу йилги баҳор юмушлари республикамиз деҳқонлари учун юбилей йили нимтиҳонидир. Ундан муваффақиятли ўтиб олиш— КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг шу йил январь Пленуми қарорларига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб бериш демак. У айни пайтда дала меҳнаткашлари билан бирга партия, комсомол ташкилотлари ва маҳаллий Советлар раҳбарларига ҳам жиддий имтиҳондир. Улар қишлоқда ишчи кучлари ва ажратилган маблағларни оқилона тақсимлашга, меҳнат аҳлининг социалистик мусобақасини намунали уюштиришга даъват этилганлар. Токи, ҳар бир раҳбар ёки мутахассис бугун ким олдида-ю, ким орқада эканлигини, кимлар илғорларга тенглашиш учун ҳаракат қилаётганлигини равшан билиб турсинлар. Шуни унутмаслик керакки, экин-тикин ишлари муваффақияти — мўл ҳосилга замин. Зеро, халқимиз «Деҳқон баҳорининг бир куни йилга татийди» деб бекорга айтмаган.

«Октябрнинг идеаллари совет халқининг фаровонлиги, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, социализм ва тинчлик йўлида меҳнат қилишга даъват этади, — дейилади Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида. — Ақл-заковатимизни, хоҳиш-иродамизни, куч-ғайратимизни яхлит қилиб бирлаштирайлик. Ана шу енгилмас кучни олдимизда турган янги-янги вазифаларни ҳал этишга қаратайлик. Режалаштирилган ҳамма ишларни бажарайлик. Октябрнинг революцион ишини муносиб давом эттирайлик!»

Улуғ Октябрь юбилейи шарафига

ТЎҚУВЧИ АҲДИ

● Марғилон совғалар фабрикасининг тўқувчиси Абдупаттоҳ Сидиқов ўз шахсий социалистик мажбуриятига тузатиш киритди. У тўрт йиллик топшириқни илгари белгиланганидек йил охиригача эмас, балки Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача бажаришга қарор қилди. А. Сидиқов хизмат қилиш зонасини кенгайтирганлиги: илгари у бошқарган еттита станокка яна битта станок қўшилганлиги туфайли ана шундай жадаллаштиришга эришди.

Бултур А. Сидиқов зарбдор меҳнати учун «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган эди. Пешқадам ишчи ҳозир ҳам иш суръатини пасайтирмаяпти: у смена топшириқларини мунтазам равишда 25—30 процент ошириб адо этмоқда.

(ЎзТАГ).

● Нишон районидаги «Оқ олтин» совхозининг Панжи Шукуров бошлиқ бригадаси пахтакорлари тадбиркорлик билан иш тутиб, йил сайин мўл-кўл, сифатли ва таннархи арзон пахта етиштиришга муваффақ бўлишмоқда. Ўтган йили бригада 85 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 170 тонна ўрнига 187 тонна «оқ олтин» териб топширди. Моддий харажатлар 39 минг сўм ўрнига 187 тонна «оқ олтин» олиб келинди.

Бригада пахтакорлари юбилей йили ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Пайкалларни текислаш, маҳаллий ўғит тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш авжида. Дала ишларини тез ва соз ado этишда бригадир коллектив аъзоларига намуна кўрсатаётир.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Панжи Шукуров.

М. КОМИЛОВ фотоси.

● *Илғор тажриба минбари*

МУРОЖААТНОМА ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ

— Келинглар, қуруқ гапдан, дабдабозликдан амалий ишга ўтайлик! Маккажўхори етиштиришни янги босқичга кўтарайлик!

Ўтган йил бошида областимизнинг бир группа илғор маккажўхорикорлари ана шундай чақириқ билан майдонга чиқишганди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Андижон область партия комитети ташаббусимизни маъқуллади.

Ваъдага вафо — марднинг иши. Сўзимиз устидан чиқиш учун астойдил курашдик. Ерга меҳр қўйган, маккажўхорини ҳам ғўзадек ардоқлаб, парвариш қилган деҳқон юқори ҳосил олиши аниқ. Мен 9 йилдан бери маккажўхорикорлик бригадасига раҳбарлик қиламан, агрономман. «Дала маликаси»нинг «тили»ни, агротехникасини керагича биламан. Бригадамизда 30 киши ишлайди. Улар ҳам шу касбни севадиган, ишбилармон, меҳнатсевар кишилардир.

Олдинги йили маккажўхори экиладиган 98 гектар ерни бегона ўтлардан тозалаб, икки ярусли плуг билан 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйгандик. Қиш фаслида карта четлари ва сув йўлларини тартибга келтирдик. Барча майдонларни агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда экишга тайёрладик.

Ер етилиши билан бороналаб, мола босдик. Тупроқдаги ҳарорат 12 даражага кўтарилгач, 6 март куни экишни бошладик. Уруғ 70х20 схемасида аниқ уялаб экилди. Бунда уруғ исроф бўлмайди, яганалашга ҳожат қолмайди. Энг муҳими, ниҳоллар эркин ўсади, ривожланиши тезлашади, яхши озиқланади. Экиш билан бирга ҳар гектар майдонга 8 килограммдан гербицид сепилди. Бу, бегона ўтларни таг-томири билан қуритишга ёрдам берди. Барча майдонда уруғни бехато ундириб олишга эришилди. Уларнинг бут сақланиши қаттиқ назорат қилинди.

Экин қатор ораларида 3 марта сифатли культивация ўтказдик. Айниқса, биринчи культивацияга алоҳида эътибор бердик. Чунки бу пайтда ёш ниҳоллар тупроққа кўмилиб, нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун уруғ текис униб чиқиши билан культивацияни бошладик. Бу ишни Ортиқали Хурилов, Қаюмжон Жабборов каби тажрибали механизаторлар амалга оширдилар. Экинни ҳам, ишловни ҳам, озиқлантиришни ҳам шу икки механизатор уддалади. Ҳар бир культивация 15—18 сантиметр чуқурликда ўтказилди.

Барча майдонда бир марта чўқур кетмон чопиғи ўтказганимизни ҳам айтиб ўтишим керак. Кетмон чопиғида ҳар туп кўчатнинг ости тупроқ билан кўмилди. Бу, ўсимлик поясининг бақувват бўлишига ёрдам берди.

Ер шароитига қараб маккажўхорини асосан 2,5 марта озиқлантирдик. Ниҳоллар 5—6 барг чиқарганда ҳар гектар майдонга 700 килограмм мочевина ва маҳаллий ғўнг аралашмаси берилди, эгатлар очиб қўйилди. Иккинчи озиқлантириш — маккажўхори 50 сантиметр бўй чўзганда ўтказилди. Бу гал ҳар гектар ерга 900 килограмм миқдорида минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси берилди. Ўсимликнинг ривожига қараб баъзи жойларга учинчи марта озуқа бердик.

Ўтган йил, ҳаво иссиқ келди, маккажўхори тез-тез чанқаб турди. Уни 8 марта сувга қондирдик. Суғориш ишларини Абдували Мирзаев, Одилжон Олмасов, Мирзажон Мирзамаматов каби ериниз шароитини яхши билган тажрибали сувчиларга топширдик. Ўзим ҳам улар ёнида бўлдим. Маккажўхори сўталаш даврига кирганда тупроқни доимо нам ҳолда ушлаб турдик. Бу эгатларни ёрилиб кетишдан сақлади, ўсимлик чангланишини яхшилади. Сув асосан дон тўлиқ пишиб етилгандан кейин тўхатилди.

Илгари маккажўхорикорлик бригадасининг алоҳида шийпони бўлмасди. У бирорта пахтачилик бригадасига биркитиб қўйиларди. Эндиликда ундай эмас. Ўз дала шийпонимизга эгамиз. Бу ерда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар келиб туришади. Бригадамизда прогулчилар, дангасалар, ишга кеч келиб, эрта кетиб қоладиганлар йўқ. Мусобақа гоблари мунтазам рағбатлантирилиб борилади. Юксак интизом, яхши кайфият бор жойда меҳнат кўтаринкилиги жўш уради, муваффақиятларга йўл очилади.

Лекин ўтган йили техника етарли эмаслиги туфайли ўрим-йиғим муддати чўзилиб кетди. Барглар қовжираб, бироз исроф бўлди. Қўшни хўжаликлардан комбайнлар ёлладик. Ишни «дала—комбайн — прицеп — хирмон» усулида ташкил этдик. Бирорта ҳам сўтанинг нестнобуд бўлишига йўл қўймадик. Ҳосилни йиғиштириш даврида ҳисоб-китоб ишларини аниқ олиб бордик. Бу ишда бизга халқ назоратчилари, депутатлар яқиндан кўмаклашди.

Хирмонимиз баракали бўлди. Колхозга 1176 тонна маккажўхори дони, 3700 тонна кўкпоя топширдик. Ҳар гектар ердан 1278 сўмдан даромад олинди. Жами даромад — 121 минг сўмдан ортиб кетди. Бир колхозчининг ойлик иш ҳақи 197 сўмга тўғри келди. Мавсум охирида ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб. такрорий ва оралиқ экинлари экишни ҳам жадал суръатда олиб бордик. 15 гектар майдонга кечки маккажўхори, 25 гектар ерга жавдар экдик. Уларни кеч кузда ўриб, молларга едирдик.

Маккажўхорикорларимизнинг бу йилги ишлари ҳам яхши боряпти. Эрта-индин етилган майдонларга юбилей йили ҳосили уруғини ташлаймиз. Мавжуд гектарларни куздаёқ бегона ўтлардан тозалаб, икки ярусли плуг билан 40 сантиметргача чуқурликда ҳайдаб қўйгандик. Одатдагидек, карта четлари ва сув йўлларини тўла тартибга келтирдик. Эндиги вазифамиз — тупроқда ҳарорат 12 даражага кўтарилиши биланоқ сараланган уруғни 70х20 схемада ерга сифатли экиб олишдан иборат. Унгача етилган майдонларни пешма-пеш бороналаб, мола босиб боряпмиз. Мақсадимиз — Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда илғор тажрибакорлар изидан бориб, эл хирмонига 1500 тонна «каҳрабо» дон», 4000 тонна кўкпоя топширишдир. Ҳар гектар ердан олинадиган даромадни 1300 сўмга етказиб, жами даромадни 130 минг сўмга чиқаришни ният қилганмиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномаси маккажўхорикорларимизни янада фидокорликка, дадилликка, новаторликка ва ниҳоят ташаббускорликка чорлади. Ҳамиша ва ҳамма ерда айни партиявий, гражданлик виждони билан иш тутиш биз меҳнат аҳлининг бурчимиздир. Мен бугун бутун республикамиз маккажўхорикорларини «каҳрабо дон» ва кўкпоя етиштиришни янги босқичга кўтариш йўлида астойдил ишлашга чақирмоқчиман.

Сиз нима дейсиз, касбдошлар?

Ҳамиджон МУИДИНОВ,
Андижон область, Ленин районидаги «Социализм» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи.

СССР Қуролли Кучларида

Шу йил 23 мартдан 30 мартгача бўлган даврда Германия Демократик Республикаси территориясида ГДР ҳукумати билан келишиб олинган ҳолда Гарделеген, Магдебург, Виттенберг, Люббен, Бранденбург районида қўшинларнинг дала маҳоратини такомиллаштириш мақсадида Германиядаги Совет қўшинлари группаси ҳамда ГДР миллий халқ армиясининг қўшма машқи ўтказилади.

Машққа қуруқликдаги қўшинлар ҳамда ҳарбий-ҳаво кучларининг қўшилмалари ва қисмлари жалб этилади. Машққа қатнашадиган қўшинларнинг умумий сони салкам 25 минг кишига боради.

Стокгольм конференциясининг ҳужжатига мувофиқ, ГДР ҳукумати Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган барча давлатлардан кузатувчиларни машққа таклиф қилди.

Қайта қуриш ва демократияни чуқурлаштириш йўлидан

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Латвия ҳамда Эстония ССРга қилган сафарлари тўғрисидаги «Қайта қуриш ва демократияни чуқурлаштириш йўлидан қатъий борайлик» тўплами босмадан чиқди.

Тўпламга М. С. Горбачевнинг Латвия ҳамда Эстония ССРда партия, совет ва хўжалик активлари билан учрашувларда сўзлаган нутқлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Эстония комсомоли XX съездидаги нутқи, меҳнаткашлар билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳақидаги хабарлар, М. С. Горбачевнинг 1987 йил 17-21 февраль кунлари шу республикаларга қилган сафарига оид бошқа материаллар киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди

(ТАСС).

Делегация Тошкентда тўхтаб ўтди

КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Бирюкова бошчилигида Вьетнам Социалистик Республикасига бораётган КПСС делегацияси Ўзбекистон пойтахтида тўхтаб ўтди.

17 март куни делегация Тошкентдан Ханойга жўнаб кетди. Тошкент аэропортида А. П. Бирюковани ва делегациянинг бошқа аъзоларини И. Б. Усмонхўжаев, В. П. Анишчев, В. А. Головин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Р. Н. Нишонов ўртоқлар бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

БУГУНГИ СОНДА:

● Лекция пропагандаси таъсирчан бўлсин — 2—бет

● Коллектив пудратга кенг йўл — 3 —бет

● Газета соврини учун мусобақа арафасида — 4—бет

● *Ташвишли сигнал*

Фабрика ортиқча юкми?

Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг Уйчидаги филиали барча кўрсаткичлар бўйича январь-февраль ойлари планини бардош этди. Бош корхона раҳбарларининг йигирув цехини пахта толасидан вискозага ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қоғозда қолиб кетди.

Фармойишга биноан ноябрь-декабрь ойларида вискоза толаси билан ишлашга ўтишга тайёргарлик кўрилиши керак эди. Бунинг учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш мақсадида Уйчига мастерлар ва созловчилар юборишлозим эди. Тўқув цехида аҳвол илгари ҳам мураккаб эди: серунум станокларнинг деярли ярми бекор туриб қолганди. Наманганда СССР Енгил саноат министрлигига қарашли Ўрта Осиё корхоналарни ишга тушириш —созлаш ишлари бошқармаси Андижон участкасининг мутахассислари бунда айбдордир, дейишди. Улар бошқа саволларга нисбатан сукут сақладилар.

Корхонада бундай тартибсизликларга ўрганиб қолишган. Одат бўлиб қолган камчиликларнинг сабаби малакали кадрлар етишмаслигидадир. Намангандаги 5-ҳунар-техника билим юртининг қишлоқ филиали шу соҳада кадрлар тайёрламоқда. Бироқ моддий базанинг заифлиги, билимдон ўқитувчилар етишмаслиги ёш мутахассислар тайёрлаш ишини бўшаштириб юборди. Улар корхона цехларига келгач, энг оддий жараёнларни ҳам мустақил бажара олмайдилар. Шунинг учун ҳам брак маҳсулот кўпаймоқда, қиммат турадиган техника тез-тез ишдан чиқмоқда. Шундай бўлса-да, Наманганда ҳам, Уйчида ҳам айбни бошқаларга юклашга уринмоқдалар.

— Ҳал этилмаган муаммоларнинг бир қисми филиалнинг партия ва касаба союз ташкилотлари зиммасига тушади, албатта —дейди партия ташкилотининг секретари Г. Абдуллаева, — аммо биз ҳозирча проблемаларни ўзимиз ҳал эта олмаймиз.

Барча муваффақиятсизликларнинг сабаби шунда. Биринчидан, бош корхона раҳбарлари Уйчидаги фабрикага ортиқча юк, деб қарамоқдалар. Иккинчидан, филиалнинг ўзида қуруқ гапдан нарига ўтишмаяпти. Нима ҳам дейиш мумкин, Уйчидагилар қолоқликдан чиқиш йўлини топа олмаяптилар, Намангандагилар эса бу тўғрида бош қотиргилари ҳам келмайди...

Р. БИЧУРИН.
ЎзТАГ мухбири

ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙЛИК

СССР Журналистлар союзининг VI съезди 16 март куни ўз ишини давом эттирди.

Марказий матбуотнинг ишига партия юксак баҳо берди, деди «Советская культура» газетасининг бош редактори **А. А. Беляев.** Давр ҳар бир кишидан тўғри йўлни танлаб олишни талаб этмоқда, янги турмуш сифатига эга бўлишга халқит қилаётган ҳамма нарсалардан қатъиян воз кечишга қаратилган ҳаракатларни талаб қилмоқда.

Қайта қуриш жараёни жуда мураккаб. Турмушимизнинг адабиёт ва санъат каби соҳаси тўғрисида гап борганида бу айниқса мураккабдир. Турғунлик идеологияси ва психологияси адабиёт ва санъатга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ошкоралик ва фақат ошкоралик мана шу турғунликни бартараф этишдаги энг кучли қуроллдир.

Белоруссиянинг «Зорька» республика газетаси редактори **Э. П. Луканская** съезд аҳлининг эътиборини болалар ва ўсмирлар матбуоти проблемаларига жалб этди. Докладда ҳам, нутқларда ҳам, съезднинг бошқа материалларида ҳам ёш авлод матбуоти тўғрисида мутлақо гапирилмади. Гўё бизда жуда кўплаб нусхада чиқаётган, ҳозир партия ўртага қўяётган катта-катта вазифалари бўлган пионер газеталари йўқдек.

Ёшлар газеталари учун кадрлар тайёрлаш катта проблемадир, деб таъкидлади нотиқ.

Саратов область журналистлар ташкилоти правлениесининг раиси **Н. И. Шабанов** матбуотда ҳамда СССР Журналистлар союзининг фаолиятидаги қайта қуриш хусусида фикр-мулоҳазалар ва таклифларни билдирди. У, жумладан союз секретариати ва правлениеси ҳали қайта қуриш талабларига мос келадиган ижодий марказ бўлиб қолгани йўқ, деб таъкидлади. Тажрибани умумлаштириш юзасидан системали иш олиб борилмаяпти, ваҳолонки бундай тажриба тўпланган. Масалан, журналистикага, матбуот ишини қайта қуришга оид актуал масалалар юзасидан учрашувларни регионал эмас, балки ҳар йиллик Бутуниттифоқ учрашувларига айлантириш, энг қимматли материалларни тўплашлар ҳолида босиб чиқариш керак.

Съездда интернационализм мавзуи тез-тез тилга олинди, деди «Женщина Азербайжана» журнали бош редакторининг ўринбосари **С. Г. Нажафова.** Биз бу мавзуга юзаки тўхталиб ўтганимизни очиқ айтишимиз керак. Мақолаларда умумий сўзлар кўп. Давр матбуотнинг диққат-эътиборини инсоннинг маънавий дунёсига ҳам қаратишни, бизнинг ғоявий-маънавий қадриятларимизни ёрқиноқ кўрсатишни тақозо этмоқда. Чунки халқ бош қаҳрамондир.

Нутқларда социал-маиший проблемалар, хотин-қизлар кенгашларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар тўғрисида гап борди.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати проблемалари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ комиссиясининг раиси **В. А. Алексеев** бу ҳаракатда салбий ҳолатлар: ишчи-қишлоқ мухбирларини редакциялардан четлаштириш, танқид учун жамоатчи мухбирлардан ўч олиш ҳоллари содир бўлаётганлигини таъкидлади. Ишчи-қишлоқ мухбирлари сафи асосан ветеранлардан иборат.

Нотиқ комиссиянинг топшириғига биноан съезд резолюцияси ва Устави лойиҳаларига журналистлар союзининг ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати билан баҳамжиҳат ишлаши тўғрисидаги бандни киритишни таклиф қилди ҳамда Москвада халқ мухбирларининг Бутуниттифоқ съездини чақириш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг сиёсий шарҳловчиси **Л. А. Вознесенский** қайта қуриш учун, жадаллаштириш учун журналистларнинг масъулияти тўғрисида гапирди.

Вазифа партиянинг ғоялари ҳар бир кишининг онгига етиб боришидан иборатдир, деди у. Бунинг устига ана шу ғоялар амалий ишларда рўёбга чиқарилиши керак. Иқтисодий ўзгартишлар негизидагина жамиятда кейинги йилларда рўй берган ғоят катта сиёсий силжишлар мустаҳкамланиши мумкин.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг ҳисобот докладида ва съезд қатнашчиларининг нутқларида жамиятимиздаги журналистиканинг ҳозирги аҳволи чуқур ҳамда танқидий анализ қилинди, деди Тожикистон ССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси **Ғ. Н. Қаландаров.** Қайта қуриш даврида совет матбуотида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир республика матбуоти, телевидениеси ва радиоси энг муҳим мавзуларни кўтариб чиқа бошлади, салбий ҳодисаларни танқид қилиб, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказмоқда.

Съездимизга қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, бизда сатирик журналистика жанри йўқдек кўринади, деди «Крокодил» журналининг бош редактори **А. С. Пьянов.** Ваҳолонки, иттифоқдош ва автоном республикаларда йигирматадан зиёд сиёсий сатира журналлари ойига бир йўла ўн миллион нусхадан кўпроқ чиқиб турибди.

Қайта қуриш даврида сиёсий сатирانинг мақсад ҳамда мавзулари равшан ва муайяндир. Ҳар қандай қайта қуриш ўткир пичоқдек қадалаётган ҳар қандай идеалистлар ва эпчил уддабуронлар турмушимизда ҳали ҳам бор-ку, ахир. Ана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина салбий ҳодисалар сиёсий сатира ва юмор мавзуларидир.

Нотиқ шу фикрни таъкидлаб, бугунги кунда мамлакат сатира цехи усталари олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Съездда район газеталарининг ишига катта эътибор берилди. Бу ҳаққонийдир, деди Курск областидаги Железногорск радиоэшиттиришининг ташкилотчи-мухбири **Л. Г. Авраменко,** чунки район бўғини — қайта қуриш тақдири ҳал этилаётган ғоят муҳим соҳадир. Маҳаллий радиоэшиттириш ҳам район газеталари билан бирга умумий ишни бажармоқда. Аммо унинг проблемалари тўғрисида деярли ҳеч нарса айтилгани йўқ.

Нотиқ матбуот ва радио материалларини тайёрлаш билан газетачилар ҳам, радио журналистлар ҳам шуғулланишлари учун район газеталари составида радиоэшиттириш бўлимини ажратиш зарурлиги тўғрисидаги таклифни айтди.

Жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун биз ўзимизни тезда қайта қуриб олишимиз керак, деди Туркманистон ССР Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари **Б. Ш. Керими.** Журналистлар ҳам шунга интилмоқдалар, бу ишда бизга ҳозир партия комитетлари ҳам анча амалий ёрдам бермоқдалар.

Нотиқ миллий тилларда чиқадиган газеталарда кадрлар соҳасида қайта қуриш тўғрисида таклифлар киритди, маҳаллий газеталар билан ТАСС ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг баъзи амалий масалалари юзасидан ўз фикрини билдирди.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси **В. Г. Афанасьев** якунловчи нутқида съезд фаол, танқидий амалий руҳда ўтганини, кўпгина қизиқарли таклифлар айтилганини таъкидлади. Делегатлар ўз нутқларида асосий эътиборни журналистлар ишини қайта қуришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратдилар. Ишимизнинг мазмунини такомиллаштириш, янги формаларни излаб топиш, биз, журналистлар қайта қуриш ишида, жадаллаштириш ишида партияга, халққа актив ёрдам беришимиз учун ҳамма ишларни бажо келтиришимиз зарур.

Съезднинг резолюцияси қабул қилинди.

Ўтмишдаги сусткашликка, тафаккурдаги қолоқликка қатъият билан барҳам бериш, ўз ишида даврнинг революцион руҳига мувофиқ келадиган новаторларча ёндашувларни актив излаб, қарор топтириш ҳар бир бошланғич журналистлар ташкилотининг, редакциялар коллективларининг бурчидир, деб таъкидланади резолюцияда. Журналистларнинг куч-ғайратлари совет экономикасини, ижтимоий турмушни, социалистик демократияни, ошкоралиқни, коммунистик тарбияни ривожлантиришнинг, интизом ва масъулиятни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи йўналишларига қаратилишига кўмаклашиши зарур. Қайта қуришни, одамларда янгича тафаккур ва онгни шакллантиришнинг моҳиятини чуқур тадқиқ этиш, янгилик куртакларини муфассал ўрганиш ва қўллаб-қувватлаш, яхши тажриба тўғрисида ишонарли қилиб ёзиш маҳоратини эгаллаш муҳимдир.

Съезд СССР Журналистлар союзининг янги таҳрирдаги Уставини қабул қилди. Уставнинг қоидалари турмуш, қайта қуриш, жадаллаштириш талабларига мувофиқ ҳолга келтирилди. Журналистлар союзи — ижодий ташкилот бўлиб, журналистларнинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, журналистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиб, уларнинг меҳнати, турмуши, тарбиясига оид масалаларни ҳал этишда қатнашиши ҳақидаги қоида алоҳида таъкидланган. Союз фаолиятининг ижодий асосларни кучайтиришдан, бошланғич журналистлар ташкилотларининг ишини активлаштиришдан иборат асосий йўналишлари белгиланди.

СССР Журналистлар союзининг правлениеси ва марказий ревизия комиссияси сайланди.

СССР Журналистлар союзи VI съезднинг якунловчи мажлиси ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

* * *

Шу куни СССР Журналистлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев союз правлениесининг раиси, И. А. Зубков правление раисининг биринчи ўринбосари, ТАСС бош директори С. А. Лосев, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси А. Н. Аксенов, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, АПН правлениесининг раиси В. М. Фалин, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Правление секретариати ҳам сайланди.

Марказий ревизия комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. «Советская Россия» нашриётининг директори В. И. Новиков комиссия раиси этиб сайланди.

(ТАСС).

• *Партия турмуши: идеология иши самарадорлиги*

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ БУХОРО ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

«Билим» жамияти область ташкилоти конференциясида правление раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Парпиев ҳисобот доклади қилди. Ҳисобот даврида «Билим» жамияти аъзолари сони 3562 кишига етди. Улар 283 бошланғич ташкилотга уюшган. Ҳисобот даврида жойларда турли мавзуларда 50 мингтага яқин лекция ўқилди. Бутуниттифоқ ва республика жамиятлари ташаббуси билан жами 7 минг киши иштирок этган йиғинларда етти туркумда лекциялар уюштирилди. Шунингдек, 23 та тематик, 7 та радио ва кинолекторий, уч марта область, 18 марта район семинари, уч марта илмий-амалий конференция ўтказилди. Докладда ана шундай рақамлар жуда кўп тилга олинди. Бироқ ўтказилган бу тадбирлар қандай амалий натижалар берганлиги на докладда ва на музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ўз акси топди.

Маълум даврда область халқ хўжалигида авж олган кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш иллатидан лекция пропагандаси ҳам ҳоли бўлмади. «Билим» жамияти область ташкилоти лекторлари бу касаллик аломатларидан ҳозир ҳам халос бўлолмаяптилар. Идеология ишида миқдор кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйиш нақадар катта зарар келтириши мумкинлиги эса ҳаммага маълум.

Делегатларнинг кўпчилиги лекцияларнинг аксарият қисми фақат қоғоздагина «ўқилганлигини» яхши биладилар. Кўп жойларда «Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари ҳам расмият учунгина ташкил қилинган. Жамият аъзоларининг ярми лекция пропагандасида умуман қатнашмаяпти.

Ачинарли томони шундаки, ишониб топширилган бу муҳим вазифага лоқайдлик билан қараш «Билим» жамияти аппаратидаги ходимлар иш услубида чуқур илдиз отган.

«Билим» жамияти Олот район ташкилоти масъул секретари Қ. Бобоевнинг иш фаолияти фақат йўлланмаларни тўплашдангина иборат бўлиб қолган. Бу ерда лектор кадрларнинг аттестациясини ўтказишга эътибор берилмади. Кўпчилик лекторлар жамият кассасидан кўпроқ пул олиб қолиш пайида бўлишаётир. Жумладан, район комсомол комитетининг ташкилий бўлими мудири Б. Иззатов бир кунда Крупская номли колхозда уч жойда лекция ўқишга улгурган. Район партия комитетининг бош бухгалтери З. Икромова ҳам мана шундай йўлни тутган. Бироқ ҳисобот докладида район ташкилотидаги бундай учраслар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмади. Ваҳолонки, бундай лекторлар фақат Олот районидагина эмас, балки «Билим» жамиятининг область бўғинида ҳам анчамунча топилади.

«Билим» жамияти айрим аъзоларининг топширилган ишга юзаки муносабати лекция пропагандасига жиддий путур етказмоқда. Ҳозир лекция пропагандаси оммавий ахборот воситалари билан рақобат қила олмайдиган бўлиб қолган. Кишиларнинг лекцияга қизиқиши ҳам сўниб боряпти. Областда Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг ташаббуси билан икки туркумда лекциялар уюштирилмоқда. Ҳисобот даврида Москва давлат университети, СССР Фанлар академиясининг Социологик тадқиқотлар институти ва бошқа йирик илмий муассасалардан келган олимлар 43 та лекция ўқишди. Лекин бу лекцияларга белгиланганидан анча кам миқдорда абонементлар сотилди. Демак, кишилар ўртасида ҳатто шундай юксак савиядаги лекцияларга ҳам қизиқиш сust.

Миқдор кўрсаткичи кетидан қувиш илмий атеистик пропагандага ҳам катта зарар етказмоқда. Докладда ҳисобот даврида бу соҳада 3851 та лекция ўқилди, 13 та илмий-атеизм халқ университетида мингдан зиёд лектор малакасини оширмоқда, 72 та турли тадбирлар амалга оширилаётир, деб айтилди. Бироқ бу тадбирларнинг натижаси амалда кўринмаяпти. Областда диний расм-русмлар ўрнини янгича анъаналар ва маросимлар жуда сust эгалламоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро область партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарорда бу аҳвол кескин танқид қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида лекция пропагандасида ўзгариш ясаш пайти келди, деб таъкидлашди докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар. Ишни қайта қуриш мақсадида биринчи навбатда лекция пропагандаси учун жавоб берадиган кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, кўзбўямачиликка қатъиян чек қўйиш лозим.

— Районимизда рўйхатдаги лекторларнинг сони 500 кишидан ошиб кетди, — деди «Билим» жамияти Свердлов район ташкилотининг масъул секретари Э. Худойқулов. — Амалда эса мазмунли лекция билан кишилар диққатини жалб қила оладиган тарғиботчиларимиз жуда ҳам кам. «Билим» жамияти область ташкилоти ходимлари бизга амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига телефон орқали рақам йиғиш билан шуғулланмоқдалар. Илмий-методик лекциялар эса фақат қоғоздагина, холос.

— Бизнинг районда ҳам 280 лектор рўйхатга олинган, — деб унинг фикрини давом эттирди Вобкент район ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари У. Камолов. — Районимиз учун 60—70 лектор кифоя. Республика ва областдан юқори малакали лекторларнинг районимизга келишига муштоқмиз.

Хўш, Бухородаги иккита олий ўқув юртида ишлайдиган 244 та фан доктори ва кандидати, профессор ва доценти қаерда лекция ўқишяпти, деган саволнинг туғилиши табиий. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг юқори малакали лекторларини меҳнат ҳаҳи билан жонли мулоқотга кўпроқ жалб қилиш керак.

— Мен йигирма йилдан буён жамоатчилик асосида Шофиркон район «Ленинобод» колхози бошланғич ташкилотига раҳбарлик қиляпман, — деди ўз сўзида делегат Р. Жумаев. — Шу давр мобайнида область ёки республикадан бирор киши бизга мададга келганини эслай олмайман. Ишимиз самарадорлигини ошириш учун методик материаллар, кўргазмали қуроллар, техника воситалари йўқлиги уларни қизиқтирмаяпти.

Шофиркон районида идеология ишини қайта қуриш соҳасида амалга оширилаётган дастлабки ишлар яхши натижа бермоқда. Районда оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилиш учун бино етишмас эди. Эндиликда лекция пропагандаси марказларига жуда кўп кишилар келмоқда. Улар лекция, баҳс ва мунозараларда фаол қатнашмоқдалар.

Конференцияда шунингдек, «Билим» жамияти ташкилотларининг структурасини тубдан ўзгартириш зарурлиги қайд этилди. Чунки ҳозир кўпчилик бошланғич ташкилотларда фақат лекция йўлланмаларини тўплаш билан овора бўлиб қолмоқдалар.

Конференцияда лекция пропагандаси ишида юз бераётган нуқсонлар ва уларни тугатиш ҳақида принципиаллик билан очиқчасига гаплашиб олинди.

Конференцияда «Билим» жамияти Бухоро область ташкилоти правлениесининг янги состави, Бутуниттифоқ ва республика «Билим» жамиятлари съездларига делегатлар сайланди.

Н. НАИМОВ.

Жадаллик билан

Қўқон шаҳри меҳнаткашлари партия кўрсатмаларига биноан уч сменали иш режимига ўтишдек муҳим вазифани ҳал этиш учун барча имкониятларни сафарбар қилишмоқда.

Янгича ишлашга жадаллик билан ўтишнинг илк муваффақиятлари яққол сезилаётир. Ҳозир 18 корхонада ишлаб чиқаришнинг узлуксиз цикли ташкил этиб бўлинди. Саккиз корхонада сменалар коэффициенти 1,5-2 баравар ошди. Эски дастгоҳлар ўрнига замонавий машиналар ўрнатиляпти. Янги линияларнинг ишга туширилиши эса, меҳнат унумдорлигини оширишга қўл келаётир.

Меҳнат коллективларида инсон омилини активлаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ишчи-хизматчиларни уй-жойлар билан таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалалари бўйича комплекс тадбирлар программаси ишлаб чиқилган. Пойабзал фабрикаси, «Текстильмаш» заводи коллективларининг бу соҳадаги ишлари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Пойабзал фабрикасининг ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кун сайин қизитишяпти. Корхонада мураббийчилик ҳаракати авж олган. Мактабни битирган йигит ва қизлар илғор ишчилардан касб маҳоратини қунт билан ўрганмоқдалар.

ЎзТАГ фотомухбири Ш. Олимов олган бу суратда пойабзал фабрикасининг коммунистик меҳнат зарбдори ёшлар мураббийси Ҳалима Исомиддиновани (чапдан учинчи) шогирдлари даврасида кўриб турибсиз. Ёш ишчилар Ҳамида Эргашева, Муқаддас Боқиева ва Саодат Халилова (чапдан ўнгга) устознинг маслаҳатини диққат билан тинглашмоқда.

УРУШ ВА ТИНЧЛИК МАВЗУИ

16 март куни Москвада «Урушдан кейинги фильмларда уруш ва тинчлик мавзуи»га бағишланган халқаро конференция очилди. Конференция тарихий тадқиқотлар ва маорифда халқаро аудиовизуал воситалар уюшмасининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

СССР Кинематографчилар союзи билан Бутуниттифоқ кино санъати илмий-тадқиқот институти конференция ташкилотчилари бўлишди. Конференция 21 мартгача давом этади. Программага кўра, ижодий мунозалар, инсоннинг жамият, тарих олдидаги масъулияти проблемалари ўртага қўйилган фильмлар кўриги бўлиб ўтади.

(ТАСС мухбири).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА — • ХАБАРЛАР — • ВОҚЕАЛАР — • ФАКТЛАР

ХАЛҚАРО ЯДРО РЕАКТОРИ БАРПО ЭТИШ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

ВЕНА, 16 март. (ТАСС). Бу ерда Вена халқаро марказида Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар, Япония ва Европа Иқтисодий ҳамжамияти вакилларининг бошқариладиган термоядро синтези соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги СССР таклифини амалга ошириш масалалари юзасидан тўрт томонлама учрашуви бошланди. Мазкур учрашув КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1985 йилда Парижда Франция президенти Ф. Миттеран билан ва Женевада АҚШ президенти Р. Рейган билан олий даражадаги учрашув чоғида олга сурган ташаббусининг амалий натижасидир.

Ҳозирги кенгаш қатнашчилари жаҳон энергетикасини янада ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишларидан бири бўлган халқаро термоядро реакторини биргаликда лойиҳалаштиришга оид масалаларни муҳокама қиладилар.

Учрашувда қатнашаётган Совет делегациясига СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитети раисининг ўринбосари Б. А. Семёнов бошчилик қилмоқда.

НАЖИБ НУТҚ СЎЗЛАДИ

КОБУЛ, 16 март (ТАСС). Афғонистон пойтахтида АДР ижодий зиёлилари союзларининг иккинчи съезди бўлиб ўтди. Йиғилганлар ҳузурида АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб нутқ сўзлади.

Биз, ниҳоят, халқнинг асрий орзу-умидларини амалга оширишга — одамларни қашшоқлик ва қолоқликдан қутқаришга, ўз Ватанимизни ташқаридан бўладиган ҳар қандай аралашувдан батамом халос этишга, асл дўстларимиз ва қўшниларимиз билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга киришдик. Буларнинг ҳаммаси Миллий яраш программасининг асоси бўлиб қолди. Биз бу сиёсатга нечоғли фаолроқ киришсак, бизнинг социал тараққиётимиз шунчалик жадаллашади, — деди Нажиб.

Жамиятимиз ва маданиятимиз тарихи шундан далолат бериб турибдики, — деб сўзини давом эттирди Нажиб, — Афғонистоннинг энг яхши фарзандлари ҳамма вақт маъмурчилик мамлакати, эркин ва тенг ҳуқуқли кишилар мамлакати тўғрисидаги орзу-умидларини амалга оширишга интилиб келдилар. Аммо фақат Савр инқилоби туфайлигина ана шу эзгу-ниятни амалда рўёбга чиқариш учун биринчи бор имконият юзага келди. Революция Афғонистоннинг барча гражданларини озод ва тенг ҳуқуқли деб эълон қилди, мамлакатимиздаги барча элатлар ва миллатларнинг бахтиёр ҳаёти учун сиёсий ва иқтисодий заминни вужудга келтирди. Аммо Афғонистоннинг ташқи ва ички душманлари революциядан кейинги дастлабки кунларданоқ бизга қарши эълон қилинмаган биродаркушлик урушини бошлаб юбордилар, бу уруш келтирган зиён миллиард-миллиард афғонийга баравардир. Ана шу узоқ давом этаётган ва бемаъни уруш туфайли биз халқимизга миллий-демократик революция армуғон этиши мумкин бўлган барча нарсаларни тухфа қила олмаяпмиз.

Эълон қилинган яраш йўлининг якунларини чиқарар экан, Нажиб мамлакатнинг бутун территориясида йирик ҳарбий операциялар тўхтатилганлигини, ҳукумат ва АХДП обрўси ошганлигини таъкидлади. 34 мингдан кўпроқ қочоқлар Ватанига қайтиб келди, собиқ душман бўлинмаларининг 10 мингга яқин аъзоси ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, халқ ҳокимияти томонига ўтдилар. Душманларнинг энг қашшоқ қисми йирик аксилинқилобий кучлардан ажраб чиқди. Ҳозирча халқ ҳокимияти томонига ўтмаган душман бўлинмаларининг анчагина қисми кутиб туриш позициясини эгалладилар, бу халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Турли сиёсий партиялар ва гуруҳлар билан яраҳиш ва ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Миллий яраш сиёсатини амалга ошириш туфайли Афғонистон тевараги-дагги масалани сиёсий йўл билан, Женевадаги музокаралар йўли билан ижобий ҳал этиш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Жаҳон жамоатчилиги олдида Афғонистоннинг обрўси ошди. Яраш жараёни муқаррар, деб айтиш учун бизда ҳамма асос бор. Аммо тинчлик программасини тўла ва муваффақиятли амалга ошириш учун партия, қуролли кучлар, бутун халқ, шу жумладан, ижодий зиёлилар ҳам зўр бериб ишлашларига тўғри келади.

Бизнинг суронли давримиз: «Маданият арбоблари, сиз бугун ким билан биргасиз?» деган масалани аниқ равшан қилиб қўймоқда. Ҳар бир ёзувчи ва рассом халқ билан бирга бўладими ёки халққа қарши борадими — ўзининг гражданлик позициясини аниқ белгилаб олиши керак. Бу борада «соф санъат» ҳақидаги назарияларга таяниб бўлмайди, афсуски, шундай кайфият ҳали кузатилмоқда.

Шундан кейин АХДП Марказий Комитети Бош секретари мамлакатда маданият соҳасида эришилган муваффақиятлар, санъатнинг турли турлари намояндалари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

АХДП ва АДР ҳукумати ҳамиша ижодкор зиёлилар ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Апрель революциясининг биринчи кунларидан бошлабоқ биз мамлакатдаги ижодий кучларни махсус союзларга бирлаштиришга уриндик ҳамда уларнинг халқ ва Ватан бахт-саодати йўлида муваффақиятли ишлашлари учун имкони борича яхши шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилдик.

Ёзувчиларимиз, шоирларимиз, рассомларимизнинг обрў-эътиборини ошириш мақсадларида АХДП Марказий Комитети ва АДР Министрлар Совети «Афғонистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини тасдиқлашга қарор қилдилар. Энг яхши шеърий, драматик ва танқидий асарлар учун йиллик адабий мукофотлар, шунингдек, ватанпарварлик ва интернационализм мавзуидаги асарлар учун махсус адабий мукофот таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ҚАЙТА БОШЛАНДИ

ЖЕНЕВА, (ТАСС). Бу ерда ядро синовларини тўхтатиш масалалари билан шуғулланувчи экспертларнинг Совет-Америка музокаралари қайта бошланди. Музокараларда СССР делегацияси ядро синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида кенг қўламли музокаралар бошлаш ҳақида аҳдлашувга эришилишини ёқлаб чиқмоқда.

Совет делегациясига СССР Атом энергетикасидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси А. М. Петросьянц бошчилик қилмоқда. АҚШ мудофаа министрининг атом энергияси масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Р. Баркер АҚШ делегациясининг бошлиғидир.

ЯПОНИЯДАН ЗАҲАРЛАНГАН МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

ТОКИО, (ТАСС мухбири). «Би-эйч-си моддаси инсоннинг асаб системасини шикастлантиради ва оқ қон касалини келтириб чиқаради... Линдан моддаси эса тери орқали тез сингиб, турли рак касалликларига сабаб бўлади». Бу химиявий қурол яни турларининг изоҳи эмас, балки Япония компаниялари Индонезия, Малайзия, Филиппинга, Лотин Америкаси давлатларига кенг кўламда экспорт қилаётган «қишлоқ хўжалик химикатлари»нинг бир қанча турларини текшириб чиқиш натижасида тузилган протоколдан олинган сатрлардир.

Инсон учун ғоят хатарли бўлган мана шу барча моддаларни Японияннинг ўзида сотиш ва қўлланиш ман қилинди, бироқ ривожланаётган мамлакатларда токиолик бизнесменлар ўзлари юборадиган маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган хатарли оқибатлар тўғрисида ҳеч нарса демаяптилар. «Жапан таймс уикли» ҳафталик газетаси айниқса, Малайзиянинг айрим районларида яшовчи аҳоли қонидаги хатарли химикатлар ҳозирги вақтда етакчи капиталистик мамлакатлар аҳолиси орасидагига нисбатан қарийб 14 баравар кўплиги ҳақида ёзади. Ривожланаётган мамлакатлардаги сув ҳавзалари, ўсимликлар ва ҳайвонлар линдан, би-эйч-си ва шунга ўхшаш моддалар билан заҳарланган. Заҳарли химикатлар билан жиноятқорона савдо қилиш — Япония концернлари ўн йиллар давомида шуғулланаётган «атроф муҳитни ифлослантирадиган маҳсулот экспорт қилиш»нинг бир қисмидир. Масалан, Япония капиталига қарашли «Мар Убэни» савдо корпорацияси бошчилигидаги Филиппиннинг Лейте оролида жойлашган мис эритиш комбинати узоқ йиллар давомида сульфат қўш оксиди чиқиндилари билан мазкур район табиатини мунтазам ифлослантириб келмоқда. Завод чиқиндиларида шундай модда инсон учун хатарли миқдордан беш баравар кўпдир, деб хабар беради «Жапан таймс уикли» газетаси.

«Оддий ахлоқ нормалари одамларнинг қўшнилар ҳовлисига ахлат чиқаришини ман этади, — деди яқинда журналистларга Осиё ва Тинч океан ресурслари масалалари билан шуғулланувчи Токио марказининг вакили Дзюнко Ямака. — Бироқ Япония фирмалари атроф-муҳитни булғайдиган маҳсулотларни бевосита ёки билвосита етказиб бериш билан ўз қўшнилари хавфсизлигига ҳамон таҳдид солмоқдалар.

• *Коллектив пудрати—ишимизнинг қудрати*

ЯНГИЧА ИШЛАШ—ДАВР ТАЛАБИ

Бригада пудрати хўжалик юритишнинг энг самарали воситаларидан бўлиб, меҳнаткашларда ҳақиқий ижодкорлик, ташаббус, тадбиркорлик, социалистик омилкорлик фазилатларини қарор топтиради. Чунки янги усулда ишлаётган бригадалар мўлкўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришдан, моддий ҳамда бошқа ресурсларни тежаб-тергаб фойдаланишдан катта иқтисодий наф кўрадилар. Республикамиз хўжаликларидаги пудрат усулида ишлаётган қўплаб бригада ва оилавий звенолар эришаётган натижалар буни яққол кўрсатиб турибди.

Аммо ҳамма жойда ҳам шароит бир хил эмас. Шунинг учун бригада пудратининг маълум формаси бир жойда яхши натижа берса, бошқа жойда кутилган самарани бермаслиги мумкин. Шу туфайли жойларда маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда пудрат усулининг турли формаларини қўлланиш юксак кўрсаткичларни таъминлашда муҳим омил бўлади. Газетамиз пудрат усулининг турли формаларини қўлланиб, юқори самарадорликка эришаётган илғор меҳнат коллективларининг етакчилари билан сиртқи давра суҳбати ўтказди. Қуйида шу суҳбатлар мазмуни билан танишасиз.

Меҳнатдан келса бойлик...

А. КИМ,
Тошкент область, Оҳангарон районидаги Жуков номли совхоз бригада бошлиғи

— Бригада пудрати ҳар кимнинг меҳнатига яраша, деган социалистик принципнинг қарор топишида муҳим воситадир. 1986 йилгача хўжалигимизда ерлар асосан оилавий звеноларга бўлиб берилган эди. Уларнинг иш тартиби эскича услубда эди. Яъни оилалар етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммасини давлатга топширишдан манфаатдор эмас эдилар. Шу сабабли улар хом ашёнинг бир қисмини, аниқроғи, сара қисмини турли йўллар билан бозорда сотишар, қолганини план учун давлатга топширишарди. Пировардида хўжалик йилни фойда ўрнига нуқул зарар билан якунларди.

1986 йилдан бошлаб совхозимизда ишни бригада пудрати асосида ташкил этишга қарор қилдик. Совхозимиз маъмурияти мутахассислар ҳамкорлигида бригадалар билан маъмурият ўртасидаги муносабатлар —пландан ташқари маҳсулот етиштиргани, харажатларни иқтисод қилгани учун қўшимча ҳақ тўлаш тартиблари ва шартномаларини ишлаб чиқди.

Эндиликда ҳар бир ишчи план бажарилганда ва пландан ташқари маҳсулот топширилганда қанча ҳақ олинишини яхши билади. Улар учун маҳсулотни бозорга ташиб юргандан хўжаликка топшириш афзал эканлиги амалда исбот этилди. Натижада, совхозимизда маҳсулот етиштириш бир йилдаёқ кескин ортди.

Бригадамиз билан маъмурият ўртасида тузилган шартномага мувофиқ коллективимизга етарли миқдорда уруғлик, ўғит, химикат, техника воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари ажратилди, техникага хизмат кўрсатиш ва бригада аъзоларига маданий-маиший шароит яратиш тадбирлари кўзда тутилди. Планда белгиланган ҳар бир килограмм маҳсулот учун (масалан пиёз учун) 5 тийин, пландан ортиқча топширилган маҳсулотнинг ҳар бир килограмми учун 17 тийиндан ҳақ тўлаш белгиланди.

Бригада ўзига бириктирилган экин майдонидан ишлаб чиқариш планига мувофиқ маҳсулот етиштиришда технология ҳужжатларида қайд этилган агротехника тадбирларини юқори сифат билан бажариш мажбуриятини олди.

Коллективимизда 12 та оилавий звено ишлайди. Улар янги иқтисодий шарт-шароитлар билан муфассал танишиб чиқишган.

Натижа яхши бўлди. Рақамларга эътибор қилинг. Йил давомида ишлаб чиқариш харажатларидан 28111 сўм тежаб қолдик. План бўйича мавжуд ерлардан 487,2 тонна пиёз йиғиштириб олишимиз ва уни реализация қилишдан 102,3 минг сўм даромад кўришимиз лозим эди. Амалда эса 1000 тоннадан зиёд ҳосил етиштириб, 245,7 минг сўм даромад олдик. Бригада аъзоларига меҳнатига қараб, пландаги 487,2 тонна маҳсулот учун 24360 сўм, пландан ташқари олинган 384,9 тонна пиёз учун 65434 сўм ҳақ тўланди. Бундан ташқари 128,3 тонна пиёз натура сифатида ишчиларга бўлиб берилди. Шундай қилиб, коллективимиз аъзолари йил давомида 116737 сўм ҳақ олишди. Уни оилавий звеноларнинг хирмонга қўшган ҳиссасига қараб тақсимладик.

Хуллас, бригада пудрати афзаллигини совхозимиз ишчилари дастлабки йилиёқ тажрибада ўз кўзлари билан кўрдилар. Шу йил баҳордан бошлаб хўжалигимиздаги барча бригадалар пудрат усулида ишлаш истагини билдиришган.

Ортиқча харажат—ўзимизга зарар

А. АБДУХОЛИҚОВ,
Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси

— Меҳнат фаолиятимизни қайта қуришни ички хўжалик ҳисобининг чек системасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдан бошладик. Бунинг учун катта тайёргарлик кўрилди.

Дастлаб чек системасининг асосий принциплари билан бош мутахассислар, правление ва партком аъзолари танишиб чиқдилар. Шундан кейин масала правлениеда кўриб чиқилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шуни айтиш керакки, чек системаси коллектив, бригада пудратлари шароитидагина ўз афзаллигини намоён эта олади. Колхозимизнинг экономика хизмати йил бошида бош мутахассислар ва пудрат асосида ишловчи бригадаларнинг бошлиқлари билан моддий-пул фондлари ҳамда иш ҳақи харажатларини аниқлаб чиқади. Масалан, А. Теймеқулов бошлиқ 7-бригадада бу лимит 122713 сўм қилиб белгиланди. Бригадада 6 гектар ерда карам, 16 гектар ерда помидор, 11 гектар ерда пиёз, 28 гектар ерда каноп, 14 гектар ерда силос учун маккажўхори етиштирилди.

Ҳар бир экин учун технологик карталарда кўрсатилганидек, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, меҳнат харажатлари, иш ҳақи, маҳсулот учун қўшимча ҳақ, уруғ, ўғит, заҳарли химикатлар ва автотранспорт харажатлари плани белгиланганди. Бу кўрсаткич одатда ойлик лимитли чек дафтарчасига қайд қилинади. Автотрактор парки ишини ҳисоблаш учун улар меҳнатини баҳолашнинг соддалаштирилган кўрсаткичи қўлланилмоқда. Унда бир гектар (шартли ўлчов тоннархи) —5,19 сўмга тенглигича қолди. Лекин бизда у икки қисмга —меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа харажатларга бўлинган. Бошқа харажатлар ҳар гектар (шартли ўлчов) таннархининг 3,43 сўмини ташкил этади.

Бригадада трактордан фойдаланганлиги учун иккита чек: бири механизатор меҳнати учун, иккинчиси — тракторларга сарфланган бошқа харажатлар учун тўланади. Бу— пудрат усулида ишлаётган бригадалар бошлиқларига далада ишлаётган трактордан фойдаланиш қанчага тушаётганини назорат қилиш имконини беради.

«Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», дейди халқимиз. Ишимизда қўлланилаётган чек системаси —ҳаммани ишлатилаётган маблағларни қатъий ҳисоб-китоб қилиб боришга ўргатади. Масалан, агар бизда илгари бригадаларда яшикларни ремонт қилишга 200 килограмм мих сарфланган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 150 килограммни ташкил этди. Бундан ташқари 5—10 килограммдан шпагат ҳам иқтисод қилинди. Булар бир қараганда майда нарсалардек туюлади. Бироқ «томатома кўл бўлур», деганларидек, олинаётган иқтисодий самаранинг каттагина қисми худди ана шу «майда» нарсалардан келмоқда, ахир. Чунончи, 1986 йилнинг ўн ойи мобайнида колхозимиз бўйича 9511 сўмлик эҳтиёт қисмлар, 10266 сўмлик ёқилғи-мойлаш материаллари, техника воситаларини жорий ремонт қилишга кетган харажатлардан эса 16112 сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Колхозимизда 1986 йилда етиштирилган гўшт, сут, сабзавотнинг таннархи 1985 йилдагидан анча кам бўлди. Моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги сабабли хўжалик бўйича 156 минг сўм иқтисод қилишга муваффақ бўлдик.

Бу йил колхозимизда хўжалик юритишнинг чек системасини янада кенг қўллашнини кўзлаб турибмиз. Мутахассисларимиз бошқарув механизмини такомиллаштириш мақсадида ёрдамчи бўлинмалар сифат ва жарима талонлари жорий этишни планлаштирганлар. Бўларнинг ҳаммаси ишлаётган хўжалик ҳисоби имкониятларидан кенг фойдаланиш ва пировардида юксак натижаларга эришишда катта ёрдам бериши, шубҳасиз.

Ҳамма масъул, ҳамма манфаатдор

С. ХОЛБОЕВ,
Қашқадарё область, Нишон районидаги У. Юсупов номли совхоз-техникумнинг пахтачилик бригадаси бошлиғи

— Маълумки, бизнинг областимизда кейинги йилларда пахтачиликда катта оқсашлар кузатиляпти. Буни айримлар илгари юз берган ҳар хил қўшиб ёзишлар, планларнинг сунъий ошириб борилиши каби сабаблар билан боғлаб, эндиликда уларни корректировка қилиш керак, деган талаблар билан чиқмоқдалар. Менимча, бу —нотўғри. Еримизнинг саховати бекиёс. Ҳалол меҳнат қилган одамга замин ўз бойлигини инъом этаверади. Фақат эскича фикрлардан воз кечиб, янгичасига ишлаш керак!

Ишни янгича ташкил этишда бригада пудрати муҳим аҳамиятга эга. Областимизда пудрат усулида ишлаётган қатор коллективларнинг об-ҳаво қандай келишидан қатъий назар мўл ҳосил етиштираётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Масалан, бизнинг хўжаликни олинг: совхозимизда илгари ҳам кўпгина бригадаларда пудрат усули қўлланиб келинарди. Лекин натижа кутилганидек бўлмасди. Совхоз маъмурияти хўжалик активлари, мутахассислар билан биргаликда пудрат асосида ишлаётган бригадалар тажрибасини таҳлил этганда бу борада ҳали айрим муаммолар борлиги ойдинлашиб қолди. Ҳаммамиз пудрат мазмунини бир хил тушунарканмиз-у, ишни ташкил этиш формасини ҳар хил тасаввур қиларканмиз.

Шундан кейин совхоз мутахассислари олимлар билан биргаликда ер майдонлари ва ресурсларни объектив баҳолаш методикасини ишлаб чиқдилар.

План кўрсаткичларини ишлаб чиқишга фақат мутахассислар ва ўрта звено раҳбарларигина эмас, барча пахтакорлар жалб этилди. Натижада ҳар бир меҳнатчи ўзининг ва бригадасининг марраси, агар шу марра эгалланса, планлар ортиғи билан бажарилса олинадиган иш ҳақини аниқ тасаввур этадиган бўлди.

Мен бошлиқ бригадада 13 киши бор. Уларнинг саккиз нафари —5 механизатор ва 3 ишчи менинг оила аъзоларим, қариндошларимдир. Қолганлари — Худойқуловлар оиласи аъзолари бўлиб, ҳаммамиз бир хонадон кишиларидек меҳнат қиламиз. Ўтган йили бригадамизга ажратилган 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 цент нердан ҳосил олиб, давлатга 219 тонна пахта топширишимиз лозим эди. Ялпи хирмоннинг 175 тоннасини машиналар ёрдамида териб олиш планлаштирилди. Ҳар бир тонна пахтани ўртача 684 сўмдан реализация қилиб, давлатга жами 143467 сўмлик хом ашё сотиш, ҳар центер пахтанинг таннархини 40 сўм 16 тийиндан оширмаслик режалари белгиланди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди технологик картага асосан 35014 сўм қилиб планлаштирилди. Йил мобайнида ёки дала ишлари даврида бригада аъзоларига белгиланган разряд ва тарифларга кўра вақтбай асосида аванс тўлаб боришга қарор қилдик. Аванс —тарифда белгиланган иш ҳақининг 60 процентини ташкил этиб, 21008 сўмга тенг бўлди. Тариф фонди ва аванс ўртасидаги фарқ — 14006 сўмлик маблағ резерв фонд учун қолдирилди.

1986 йилни яхши якунладик. Мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан пландаги 23 центнер ўрнига 39 центнердан ҳосил олдик. Давлатга топширилган 379 тонна пахтанинг ҳаммаси машиналарда терилиб, унинг 90 проценти биринчи сортга топширилди. Шундай қилиб, ҳар бир тонна пахтани 684 сўм ўрнига 701 сўмдан сотдик. Ҳар бир центнер пахта таннархи 40 сўм 16 тийин ўрнига 33 сўмни ташкил этди. Бригада аъзоларининг даромади ҳам шунга яраша юқори бўлди.

Уларга илгари берилган 35014 сўмлик маблағга йиллик планни ошириб бажарганликлари учун қўшимча 13176 сўм, харажатларни камайтирганликлари учун 21380 сўм мукофот ҳам тақсимлаб берилди. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи 446 сўмни ташкил этди. Булардан кўриниб турибдики, об-ҳаво ноқулайликлари ва бошқа қийинчиликни рўкач қилиб, зиммага олинган топшириқларни бажармасликка асос йўқ. Демак, табиатдан инъом кутиб ўтирмай, ошкоралик, омилкорлик ва ташаббускорлик билан иш юритиш, меҳнатни ташкил этишнинг амалдаги самарали усули —бригада пудратини кенг жорий этиш давлатга ҳам, деҳқонга ҳам манфаатлидир.

« СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОҒИЗ ОШГА ЕТГАНДА»

Ёки Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ғоят жиддий масалага лоқайд муносабати ҳақида

«Совет Ўзбекистонининг 1986 йил 245-сонида босилган шундай сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳрида қурилган уй-жойларнинг нуқсонлари кўрсатилиб, бу ишда айбдор бўлган ташкилотлар ва айрим шахсларнинг номлари айтиб ўтилган эди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ йўллаган жавобда шундай дейилади:

— Тошкент шаҳрида қурилаётган уй-жой объектларининг сифати ҳозирча замон талабларига жавоб бермайди. Фойдаланишга топширилаётган объектларда камчиликлар кўп эканлиги мақолада тўғри кўрсатиб ўтилган. Дарҳақиқат, шаҳар қурилиш ташкилотларини узоқ вақтдан буён сифатли дурадгорлик буюмлари, линолеум, гул қоғоз ва бошқа қурилиш материаллари билан таъминлаш ҳақидаги масала ҳал қилинганч йўқ. Санитария-техника ускуналари, электромонтаж приборлари сифатининг пастлиги битказилаётган уйларни фойдаланишга топшириш маромн бузилишига сабаб бўляпти.

Мақолада тилга олинган бир қатор социал-маданий объектларни тезроқ қуриш ва ва ишга тушириш чоралари кўриляпти. Жумладан, Юнусобод массивининг 10-кварталида қурилаётган 18-мактаб биноси иккинчи кварталда фойдаланишга топширилади. Қурилиш қизғин бошлаб юборилган 19-болалар боғчаси шу йилнинг биринчи ярмида ишга тушириладн. Озиқ-овқат магазини, алоқа бўлими шу йилда қуриб битказилади, квартал ободонлаштирилади.

Мақолада таниқд қилинган уйлардаги аҳволни яхшилаш шу уйларни бунёд этган қурилиш ташкилотларига топширилди.

●Наманган области. Уйчи районидаги В. И. Ленин номли 1-ўрта мактаб устахонаси дурадгорлик цехига айлантирилди. Мактаб ўқувчилари 7-ремонт-қурилиш бошқармаси билан шартнома тузиб, уй-жойлар қурилиши учун турли жиҳозлар тайёрламоқдалар.

Суратда: 7-синф ўқувчиси Иброҳим Йўлдошев (олдинги планда) иш устида.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ).

• *Агросаноат хабарлари*

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Китоб районидаги Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари давлатга 34 тонна ўрнига 42,3 тонна семиз бўрдоқи гўшти топшириб, бу соҳадаги биринчи квартал планини 124,4 процент қилиб бажардилар.

Қўлга киритилган меҳнат ютуғида совхознинг Эргаш Рустамов мудирлик қилаётган бўрдоқичилик фермаси коллективининг муносиб улуши бор.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

●

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сирдарё райони паррандабоқарлари йилнинг илк муваффақиятини қўлга киритишди. Районда давлатга тухум топшириш бўйича жорий йилнинг биринчи квартал плани муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Давлатга пландаги 640 минг дона ўрнига 648 минг дона тухум сотилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагидан 38 минг дона кўпдир.

Қ. ҲОЖИЕВ.

●

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Андижон районидаги Энгельс номли колхоз сабзавоткорлари юбилей йилида 17 минг тонна сабзавот етиштириш мажбуриятини олишган. Ҳозир хўжалик далаларида сабзавот кўчатлари экиш, эртаки экинларни парвариш қилиш авжида. Дала ишларини тез ва соз адо этишда тажрибали деҳқонлардан Мусабой Янгибоев, Маҳаммаджон Омоновлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари намуна кўрсатишмоқда.

Р. ИМИНОВ.

●

Шунингдек, редакциямизга жамоатчи мухбирлардан **Ў. Саидов, И. Холиқов, С. Муҳаммадиев, А. Мажидов** (Самарқанд), **О. Раҳимбердиев, Б. Контўраев, Ф. Ишченко** (Тошкент), **М. Мирзаабдуллаев, М. Қодиров,** (Наманган), **Н. Турсунов, Ш. Маҳмудов, Ж. Бобоев** (Қашқадарё)лар ҳам агросаноат тармоқларида олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

• *«Совет Ўзбекистони» қўшма рейди*

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҲОТАМТОЙЛАР

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА УЙ-ЖОЙЛАРДА ИЧИМЛИК СУВ ИСРОФ БЎЛМОҚДА

✦ Тошкент шаҳрида кунига ҳар бир киши ҳисобига нормадаги 270 литр ўрнига 467 литр ичимлик сув сарф қилинмоқда

✦ Шаҳар бўйича 29,4 процент ёки 49 минг 175 та квартирада сув кранларининг носозлиги туфайли 1986 йил давомида 11 миллион 230 минг 278 кубометр ичимлик сувн исроф бўлди.

✦ Саноат секторида ичимлик сувидан хўжасизларча фойдаланиш туфайли ўтган йили 1 миллион 917 сўм зарар кўрилди.

✦ Кўпгина завод ва фабрикаларда ичимлик сувидан техник эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда.

✦ «Компрессор» заводида ва «Промэнерго» корхонасида лимитдан ташқари олинган сув учун тўланган жарима маҳсулот таннархига киритилмоқда.

Ичимлик сув республикамизнинг айрим районларида жиддий муаммо бўлиб турибди. Айни пайтда Тошкент шаҳрида сув таъминотини ташкил этиш ва уни иқтисод қилиш талаб даражасидами? Афсуски, йўқ. Қатраси тиллага тенг бўлган ичимлик суви ҳаддан ташқари исроф қилиниб, сув таъминотида давлат ҳисобига ҳотамтойлик қилиш авж олиб кетган.

Рейд бригадаси ичимлик суви тақсимоти билан танишар экан, бу борада жиддий нуқсонлар борлиги, шу ишга мутасадди раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли қонунсиз ишлар содир бўлаётганлигининг гувоҳи бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жойлардаги ЖЭК раҳбарлари сув кранлари ва иситиш системаларининг бенуқсон ишлашини таъминлаш учун жиддий назорат ўрнатишмаган. «Водоканал» тресті томонидан ўтказилган текширишлар давомида ўтган йили 166 минг 908 та квартиранинг 49 минг 175 тасида сув кранларининг носозлиги аниқланди. 29,4 процент кранлардан муттасил сув оқиши хунук оқибатларга олиб келяпти. Ҳамза, Сергели ва С. Раҳимов районларида носоз сув кранлари 37—45,6 процентга борган. Чилонзор ва Куйбишев районларида сувнинг беҳуда исроф бўлиши «рекорд» даражага етган. Ўтган йил давомида Чилонзор районидаги 5048 та квартирада назоратсизлик туфайли 1 миллион 409 минг 913 кубометр ичимлик суви исроф бўлди. Куйбишев районида эса бу кўрсаткич 1 миллион 98 минг 457 кубометрни ташкил этган, кооператив уй-жойларда ҳам кранларнинг бенуқсон ишлаши таъминланмаяпти. Ўтган йили 22 минг 182 та кооператив уйлар текширилганда, 5821 та квартирада жўмраклардан муттасил сув оқиб туриши, шунинг оқибатида 892 минг 255 кубометр сув бекорга исроф бўлганлиги аниқланди. Коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларига қарашли уй-жой биноларида бир йил давомида 3 миллион 704 минг кубометрдан ортиқ ичимлик суви томорқа хўжаликлари учун ишлатилган.

Афсуски, бу ҳол айни пайтда ҳам давом этмоқда. Совет, жамоат ташкилотларига уй-жой биноларининг подвалларини сув босганлиги, деворлар захдан нураб кетаётганлиги, бу ўз навбатида турли касалликларни келтириб чиқараётганлиги ҳақида тўхтовсиз шикоятлар келиб турибди. Қорақамиш массиви 2/5 кварталидаги 9-уйнинг подвали сувга тўлганлиги, бу масала билан шу райондаги ЖЭК раҳбарлари етарли даражада шуғулланмаётганлиги аҳолининг норозилигига сабаб бўляпти. Тошкент трактор заводига қарашли ТТЗ—4 кварталидаги 24-уйда сув трубаларининг ишдан чиққанлиги сабабли подваллар ва подъездларни сув босган. Акмал Икромов районидаги 26-квартал 10-уйда яшовчи аҳоли иссиқ ва совуқ сув таъминотининг тўхтатиб қўйилганлигидан норози бўлиб, коллектив равишда шикоят ёзишган. ЖЭК раҳбарларининг қиш чилласида «ремонт» баҳонасида иссиқ ва совуқ сув беришни узиб қўйиши ёки кран ҳамда трубаларнинг яроқсизлигидан подвалларни сув босди.

Рейд давомида «Водоканал» тресті раҳбарлари исрофгарчиликка қарши курашнинг самарали усули ҳақида гапириб беришди. Улар сув исрофгарчилигига йўл қўяётган ЖЭК раҳбарлари, саноат корхоналарининг шу масала билан шуғулланадиган мутахассислари ва айрим исрофгар кишиларга нисбатан қўраётган чоралар ва жарима солишлар етарли самара бермаганлиги учун телевидениедан фойдаланишга қарор қилишди. Шу мақсадда корхона ҳисобидан видеоаппаратура сотиб олинди. Телевидение аппарати билан ишлашда етарли тажрибага эга бўлган слесарь Г. Тимофеевга камчилик ва нуқсонларни, сувни исроф қилаётганларни кадрга тушириб уни кенг томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш топширилди. Трест раҳбарлари бу усулнинг қутилган натижа беришига умид қилишмоқда.

Ичимлик сувнинг техник эҳтиёжлар учун ишлатилиши исрофгарчилик эканлиги маълум. Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигининг 1975 йил 14 мартда район ва шаҳарларда водопровод ва канализация тармоқларидан фойдаланиш тўғрисида чиқарган махсус қарорида шаҳар саноат корхоналарида ичимлик сувидан техник эҳтиёжлар учун фойдаланишга фақат фавқулодда ҳолатлардагина рухсат берилиши, озиқ-овқат саноати корхоналари бундан мустасно эканлиги уқтириб ўтилган. Жумладан қарорда саноат корхоналарида махсус қудуқлар пармалаш ва сувни такрор ишлатишга эришиш йўли билан техник эҳтиёжларни қондириш кўрсатиб ўтилган. Лекин, ўндан ортиқ саноат корхоналарида бу масалага панжа орасидан қараляпти. Сув қудуқларини пармалаш ва сувни такрор ишлатиш учун ускуналар ўрнатишни хоҳламаган айрим раҳбарлар ҳамон саноат корхоналари ишчилари истеъмоли, душ-ҳаммомлар учун ажратилган ичимлик сувдан техник эҳтиёжларда фойдаланиб келишяпти.

«Компрессор» заводи (директори В. В. Фрошгезер) Тошкент шаҳридаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу заводда ҳар куни техник эҳтиёжлар ва совутиш системаси учун 560—600 кубометр ичимлик суви сарфланяпти. Бу заводда бир йил давомида 2 миллион кубометрдан ортиқ ичимлик суви исроф қилинди. Бундан бир неча йил аввал завод территориясида икки қудуқни пармалаш ва шу йўл билан техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сувга бўлган талабни қондириш кўзда тутилганди. Агар ҳар иккала қудуқ ишга туширилса, ичимлик сувини техник эҳтиёжлар учун ишлатишга барҳам берилган бўларди. Бироқ завод маъмурияти ва шахсан бош энергетик В. Г. Кондратьевнинг айби билан қудуқларни ишга туширишдан орқага сурилмоқда.

«Компрессор» заводида истеъмол қилинган ва ички эҳтиёжлар учун ишлатилган сувни ҳисоблаб борадиган асбобларни ишлатиш устидан назорат ўрнатилмаган. Исрофгарчиликка йўл қўйилганлиги учун лимитдан ортиқ сув ишлатилмоқда ва бу устама тарифда ҳақ тўлашга олиб келяпти. Агар завод маъмурияти лимитда белгиланган сувнинг ҳар кубометрига 4 тийиндан ҳақ тўласа, лимитдан ташқари ишлатилган сувнинг ҳар кубометрига устама тарифда 20 тийиндан маблағ сарфламоқда. Корхона маъмурияти 1986 йил давомида лимитдан ортиқ сув сарфланганлиги учун 11 минг 487 сўм 80 тийин маблағни устама тариф бўйича тўлаган. Бу кўрсаткич шу йилнинг январь ва февраль ойларида 3889 сўмга етди. Юқорида қайд этилган сумма заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилган. Ҳолбуки устама тарифда тўланган ҳақ жарима ҳисобига ўтади. Жаримани маҳсулот таннархига киритиш эса давлат ҳисобидан ҳотамтойликдан бошқа нарса эмас.

Рейд давомида завод директорининг ўринбосари В. И. Манукян билан бош энергетик В. Г. Кондратьев завод эҳтиёжи учун белгиланган миқдордаги сувни ажратмаётганлиги, лимитдан ташқари фойдаланилган сув учун устама тарифда ҳақ талаб қилаётганлиги учун «Водоканал» тресті раҳбарларини айблаб, ўзларини оқлашга ҳаракат қилишди. Техник эҳтиёжларни қудуқлар пармалаш ва ишлатилган сувни қайта ишловдан ўтказиш ҳисобига таъминлаш лозимлиги тушунтирилганда ҳам улар ўзларининг ҳақлигини исботлашга уринишди.

Ичимлик сувидан хўжасизларча фойдаланиш ва лимитдан ташқари ишлатилган сув учун ортиқча ҳақ тўлашда «Промэнерго» корхонаси (директори М. Л. Новак) шаҳардаги саноат корхоналари ўртасида энг юқори «натижага» эришган. Корхона маъмурияти 1986 йил давомида устама тариф-да 467117 сўм ҳақ тўлаган. Шу йилнинг ўтган икки ойи давомида лимитдан ташқари 440 минг 196 кубометр ичимлик суви техник эҳтиёжлар учун ишлатилган ва 88 минг 39 сўм 20 тийин устама тариф бўйича тўланган.

— Устама тариф бўйича тўланган маблағни қандай қилиб ҳисобдан чиқаряпсизлар? — деб сўрадик корхона директори Матвей Лазаревичдан.

— Маҳсулот таннархига киритяпмиз-да, — жавоб берди у.

Бир неча ўн минг сўм жарима тариқасида тўланиши ва бу маблағ маҳсулот таннархига киритилиши ўзидан ўтган айб учун давлатнинг чўнтагидан пул тўлаш эканлигини корхона директори М. Л. Новак наҳотки тушунмаса?! Тегишли ташкилотлар бу хусусда қатъий фикр-мулоҳаза билдиришади, деб ўйлаймиз.

Корхонага лимит бўйича кунига 455 кубометр сув ажратилган бўлса-да, амалда 5,5 минг кубометр сув ишлатилмоқда. Корхонанинг ўзида қудуқ пармалаш ва шунинг ҳисобига ичимлик сувидан фойдаланишга барҳам бериш масаласи кун тартибидан тушириб қолдириляпти. Лойиҳада ҳар соатда 35—40 кубометр сув чиқариб бера оладиган иккита қудуқ пармалаш кўзда тутилган. Ана шу қудуқлар тезроқ ишга тушганда эди корхона раҳбарларининг давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилишларига чек қўйилган бўларди.

Ичимлик суви муаммо бўлган шу кунларда Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Б» территориясида ҳар куни белгиланган 7 минг ўрнига 20 минг, «Ташкенткабель» заводида 1763 ўрнига 10 минг кубометр сув ишлатиляпти. Бу эса ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ортаётган бир пайтда исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

«Водоканал» трестида ўтказилган суҳбатда ҳар куни 210 минг кубометр ичимлик суви корхоналарда фақат техник эҳтиёжлар учун сарфланаётганлигини, агар шу миқдордаги сув аҳоли манфаати учун ишлатилса, кунига 747 минг кишига 270 литрдан ичимлик суви тўғри келишини ҳисоблаб беришди. Шаҳарда ўз кучлари билан қудуқ пармалаб, ичимлик сувидан техник мақсадларда фойдаланишга барҳам берган корхоналар ҳам тилга олинди. Жумладан, тўқимачилик комбинатида ҳар йили 10 миллион кубометр ичимлик суви пармаланган қудуқлардан олинар экан. «Таштекстильмаш» заводида ҳам техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув пармаланган қудуқлардай тортиб олинмоқда. Бироқ «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Ташсельмаш», Тошкент экскаватор заводлари, грампластинка ва «Союзхлопкомаш» заводлари ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида эса лимитдан ташқари ичимлик суви олиш ва уни исроф қилиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Биргина 1986 йилда шаҳардаги саноат корхоналари томонидан лимитдан ташқари фойдаланилган ичимлик суви учун устама тарифда 1 миллион 723 минг 322 сўм ҳақ тўланди.

Сувнинг ҳар қатраси ҳисобда бўлишини таъминламаётган, ундан хўжасизларча фойдаланиш, ичимлик сувини техник эҳтиёжларга ишлатишга йўл қўяётган ва давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилаётган раҳбарларга нисбатан муросасиз бўлиш адолатли талабдир.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

О. МАРКЕЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

М. КОЧЕГАРОВ,
«Водоканал» трестининг бўлими бошлиғи.

С. АБДУШАМАЕВ,
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

• *29 март—Хотира куни*

МЕҲР БЕДОР

Новелла

Онажон. Бугунги тун ҳам мўътабар чеҳрангизни тасвирга туширишга ният қилган тарзда ўшал дастгоҳ рўбарўсидаман. Сизни ҳамишаликка ёрқин хотирангизга тўқимоқчи бўлган турфа бўёқли мисраларим қўл урсам наздимда ниҳояланиб қоладигандек, кейин сиз меҳрибоним билан ғойибона дийдор кўришувимга ҳарир парда тортиладигандек туюлади. Не қилай. Фарзандлик бурчимнинг бир тимсолини адо қилиш шараф-ку!

Онажон. Ҳамишаликка пок руҳингизни шод айлаш истагида муборак сиймонгиз аксини топажак матони соз чиқсин учун уни мана шу қўлларим билан махсус тўқидим. Ҳамма-ҳамма ҳозирликни сиз муҳтарам зот ҳурматини бошингизга қўйиб келган ўшал қилқалам устоз Виктор Васильевич ўргатганларидан ҳам зиёда қилиб бажариб қўйганман. Йўқни йўндириб жамлаган анвойи ранг мойбўёқлар ҳам мўйқаламимда жилваланишга махтал. Фақат, ҳа фақат ботиниб сайқал юритишимгина қолган холос.

Онажон. Ўша жонбахш, мулойим, меҳрибон сиймонгиз, истарангиз иссиқлиги қачон эсласам кўз ўнгимда. Чап қўлимда узун-қисқа бир даста мўйқалам. Ҳайронман, нима учундир ўнг қўлим мўйқаламни тутишга бўйсунмаётир. Сиз билан яна ғойибона дийдор кўришиб чиқаман.

Оналик меҳру шафқатига тўлиб-тошиб термулиб боқувчи мунис сиймонгизни кўз олдимда қайта жонлантирарканман, қайси бир ҳислатларингизни бўрттириб кўрсатишга ўйланиб қоламан. Ҳамма-ҳамма хислатларингиз нуридийдангиз учун азизу мўътабар. Айниқса, менга ёз кунларида ҳовлимизнинг ўртасида ўзингиз райҳон шохчаларини бармоқларингиз билан оҳиста тараганингиз ёқарди. Райҳоннинг хушбўй ифорисига масту аласт бўлиб, кейин битта шохчасини узиб олардингиз. Тўйиб- тўйиб ҳидлаганингиздан кейин чаккангизга тақиб, шохсупанинг бир чеккасида ҳузурлар қилиб ўтирардингиз. Ана шу ҳолатингизни ифодаласаммикан?

Сира адо бўлмайдиган уй юмушларидан бир оз фурсат ҳоли бўлган чоғларингизда, бир нафасга бўлса ҳам дилингизга яқин қўшни хотинхалажларни чорлаб, уларнинг кўнгилларига хуш келадиган ҳазил-мутойибалар айтардингиз. Дугоналарингизга қўшилиб завқланиб кетганингизда гул-гул очилиб хандон ташлаган ондаги ҳолатингизни тасвирга туширсаммикан? Ўшандай дамларда, сиз онажоним, ҳеч бир ғаму андуҳ кўрмаган, бахти ҳамишаликка кулиб боққандек туюлардингиз. Ахир тутган ерини кесадиган, сирклари сув кўтармайдиган алпқомат дадамларнинг тажангликларини тамомила унутиб, бир яйраб олардингиз. Ўшандай қувончли дақиқаларда қизилмағиздан келган кулча юзингиз, кулгичларингизнинг табиий ярашиб туриши кўз олдимдан сира нари кетмайди.

Дадамлар гап-гаштаклардан ҳали қайтмаган, тун зулмат пардасига аллақачонлар бурканган паллада бизни ўрнимизга ётқизиб, юрагингиз қаърида яшириниб ётган ҳазин қўшиқларни оҳиста айтабошлардингиз, кейин ўша маъюсликда жинчироқ ёруғига яқинлашиб ёлғизгина опажонимга атаб тикаётган палакни қўлга олардингиз. Матога ўша ҳолатингизни кўчирсаммикан. Йўқ, йўқ, асло. Ахир сиз табиатан қувноқ, бир сўзлаб ўн куладиган онажоним эдингиз-ку!

Онажон. Чопқир тасаввурларимга асир бўлиб, яна бедор ўтирибман. Сизнинг мўътабар сиймонгизни ифодалашга қўлим бормаётган бўлса-да, оналик меҳри билан жовдираб боқишларингиз шу аснода ҳам кўз олдимда. Мен сизга озор етказган ўша машъум воқеани қачон хотирламай, ихтиёрсиз ўзимни-ўзим койийман. Ғўр болалигим туфайли бошингиз ёстиққа теккан кунданоқ сиздан фарзандлик бурчи ила узр сўрашни канда қилмадим. Сиз ўшанда ҳар сафар койиш ўрнига оналик меҳрига тўлиб-тошиб, кўрғулигим шу бўлса санда не гуноҳ, деб юпатардингиз, минг бор кечирардингиз.

Онажон, сизнинг олдингизда бир умрга гуноҳкор-ман. На илож, болалик қилибман. Бўлмаса сизни кирсовун олиб келиш учун берган чақангизга нодонлик қилиб расм дафтар билан бўёқ қалам олиб келармидим. Етиша олмай юрган бу анзиратлар билан мен упадек майин тупроқ юзига расм чизишдан қутулиб олам-олам севиндиму, сиз меҳрибонимга эса ботмонлаб азият келтирдим. Қилмишларимни яшириб, неча бор жонимга оро бўлганларингизни қандай қилиб унутай. Ахир расм чизаётганимни эшитган дадам, бу одамларинг сен зумрашадан у дунёда жонини талаб қилса гўрдан топиб берасанми, эй гуноҳкор-азим, деб мени жаҳл устида ёқамдан олгани ёдимда. Бор важоҳатлари билан юқорига даст кўтариб олганларида, абжағим чиқди энди, дегандим. Шу аснода сиз онажоним қаердандир тиғипаррондек етиб келиб билакларига ёпишиб олдингиз. Ўша нимжонгина қўлларингиз, увоқкина жуссангиз билан шундай забардаст дадамларга қандай қилиб бас келолганингизга ҳанузгача ақлим лол. Афсус ва надоматлар бўлсинки, дадамларнинг важоҳатда қайта кўтарган муштлари сизга келиб тушди. Мен эса бир ўлимдан қолганимга суюниб ташқарига отилдим. Сиз муштипар онаизорим эса муш зарбидан жароҳат топиб ётиб қолдингиз.

Онажон. Оний лаҳзада ботмонлаб келган дардни мисқоллаб енгдингиз. Хазонрезгилик бошланган кезлари дарддан анча фориғ бўлиб дилимга тугилган изтироблардан халос этдингиз. Ногаҳон ғазаб отига қамчи босганларидан пушаймон еб, доктор чорлаб юрган дадамларнинг сиз бошингизни кўтаргач ранг-бошлари ўзларига келиб, анча меҳрибон бўлганларидан бир олам қувондим.

Сиз — онажоним оламга кулиб боқабошлаганингиздан кейингина ғулғула солиб, чизмасам хумориси тутадиган ҳунаримга жоним-таним билан берилдим. Устоз топиб ихлос билан шогирд тушдим. Вақтики келиб, ул қилқалам соҳибини хонадонимизга бошлаб келганимда сиз севинчдан ўзингизни йўқотиб, ўтқазгани жой тополмай қолган дақиқалардаги ҳолатингизни қандай унутай. Дадамлар ҳурмат юзасидан устозим Виктор Васильевичнинг елкаларига чопон ташлаганларида севинчдан ял-ял ёниб, бир ҳуснингизга ўн ҳусн қўшилган ондаги гулгун чеҳрангизни унутиб бўлармиди. Ҳеч қачон! Қалбим ўша ҳолатингизни тасвирга кўчирақолмайсанми, деб ундамоқда.

Онажон. На илож. Тонг яқинлашяпти. Мени шу ҳолати размда ўтиришимни кўрганингизда борми, шўрликкина болагинам, деб одатдагидек ич-ичингиздан ачинардингиз. Оромингни бузма, битмаса битмай қолсин, дея еру кўкка ишонмаган фарзандингизга тин олишни тилардингиз. Йўқ, онажон шунча бедор ўтказган тунларим сизнинг фақат биргина бор уйқудан кечиб оқ сут бергангингизга етармикан. Менга ҳаёт бағишладингиз. Мен-чи?

Онажон. Кўча чангитиб, бўйра чўпидан расм чизиб юрган ўша ўғлингиз бугунги кунда профессор. У ҳали замон тонг отиши билан ранг-тасвир сирларини эгаллашга маҳтал толиби мусаввирларига ошиқади.

Онажоним. Оқшом чўкиши билан дастгоҳ қаршисида яна дийдор кўришамиз. Оналик меҳру шафқатига тўла гулгун боқишингизни матога алғатта кўчираман. Одамларга, ҳамма-ҳамма элатга тушунарлик бўлган мусаввирлик каломи ила оламга жар соламан:

— Мана, мени кафтида ардоқлаб вояга етказган шундай муштипар, меҳрибон, мунис, жасоратли онажоним!

Ҳабиб КАРИМОВ.

• *Спорт*

МУСОБАҚА АРАФАСИДА:

ЎРИНСИЗ БАҲОНАЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ

БУХОРО-87

Навоий область спорт комитетида иш қизғин. Раис ўринбосари хонасида телефон устма-уст жиринглайди. Кишилар турли масалалар билан мурожаат қилишади. Стол устида қоғозлар уюми. Уларни кўриб чиқиш, таҳлил этиш ҳам зарур...

— СССР ёшлар терма командаси келяпти, — деб мурожаат қилади навбатчи. — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақага Навоийда тайёргарлик кўришар экан.

— Яхши, — дейди раис ўринбосари Р. Ҳаимов. — Кутиб оламиз, шароит яратамиз.

— Қизиқ, — гапга қўшилади Конимех район «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти раиси М. Аҳмедов. — Бизда республика, мамлакат терма командалари йиғинларини ўтказишга имкон топамиз. Ўзимизда бўлса дуруст енгил атлетикачилар йўқ...

— Ҳа, аҳвол йил сайин ёмонлашиб боряпти, — деб эътироф этади Р. Ҳаимов. — Агар Навоийда олимпиада резервлари олий спорт мактаби ташкил этилмас экан, ўзгариш ясаш қийин. Бунинг устига тренерларимизда малакали спортчилар тайёрлаш масъулияти етишмаяпти. Улар шароит йўқлигидан нолишгани-нолишган.

Биз гап йўналишини ана шу муаммолар билан боғлиқ конкрет масалага бурдик. Марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича «Совет Ўзбекистони» газетаси совринни учун ўтказиладиган анъанавий мусобақага ҳозирликнинг бориши билан қизиқдик. Боиси, кейинги йилларда область терма командаси мазкур мусобақада ўз мухлисларини мамнун этолмаяпти. Чунончи, ўтган йили Навоий область командаси иккинчи группада учинчи ўринни эгаллаб, умумий ҳисобда тўққизинчи ўрин билан қаноатланди. Балки бу йилги режалар ўзгачадир?!

Р. Ҳаимов мусобақалар календарини кўздан кечиради. Унинг айтишига қараганда бу область комитети учун иш плани вазифасини ўтаркан.

— Хўш, мусобақа Бухорода ўтказилар экан.

У шундай деди-ю, гапни давом эттирмай сукутга кетди. Раис ўринбосарининг гапидан бу масала билан ҳали шуғулланилмаганлиги сезилиб турарди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Совриндорлик курашида иштирок этиш учун саралаш мусобақаси ўтказилмаган, спортчилар йиғини ташкил этилмаган экан. Ҳатто, соврин учун курашда кимларнинг қатнашиши ҳам номаълум эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деб бизни юпатишга уринади Р. Ҳаимов. — Зудлик билан тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз...

Орадан икки кун ўтгач, тайёргарликнинг қай тарзда бораётгани билан яна қизиқдик. Афсуски, мусобақа иштирокчиларининг рўйхати тўла тузилмаган экан. Иш шундай ташкил этилгач, марафончилар қачон йиғилишади-ю, шайликни қандай қилиб маромига етказишади. Мусобақа бошланишига эса саноқли кунлар қоляпти.

— Марафонча югуриш ва спортча юриш мусобақаларида алоҳида тайёргарликка эга бўлган спортчилар иштирок этиши лозим-да, — изоҳ беради Р. Ҳаимов. — Ахир икки-уч кунлик тайёргарлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди-ку.

Тажрибали марафончи, халқаро мусобақалар иштирокчиси Р. Ҳаитов эса бошқача фикр билдирди:

— Мусобақаолди йиғинидаги машқларда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Спортчилар малакали тренерлар ёрдамида ўз маҳоратларини янада оширишади, бир-бирларидан ўрганишади. Иккиуч кун мобайнида босим машқларга зўр бериш кўзланган командани таркиб топтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Навоий область спорт комитетидаги бу суҳбат республика мусобақасига тайёргарликни ташкил этишда лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўйилаётганлигини кўрсатади. Баҳона ахтариш ўрнига фаолият мезонини амалий иш билан белгилашлари, бу борада спорт жамиятлари тренерларига ибрат кўрсатишлари, қоларверса ишчанлик билан изланиш лозим.

Об-ҳавонинг мўътадиллиги, тоғ-қирларнинг яқинлиги марафон спорти билан шуғулланиш учун имкониятлар яратади. Навоий области бу жиҳатдан ажойиб шарт-шароитга эга. Республика, мамлакат терма командалари бу ердаги имкониятлардан фойдаланаётган бир пайтда, навоийлик спортчиларнинг машқ ўтказолмай, ўринсиз баҳоналар билан совриндорлик баҳсига шайланмасликларини қандай тушуниш керак!

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Самбо бўйича СССР чемпионати якунланди

ҒОЛИБЛАР ҚЎЛ КЎТАРГАНДА

Республика пойтахтининг «Юбилейний» спорт саройида қарийб тўрт кун мобайнида мамлакат чемпионлиги учун қизғин ва муросасиз курашлар давом этди. 250 га яқин самбочи СССР чемпионатининг олтин медалларини олиш учун маҳорат кўрсатди. Икки марта жаҳон чемпиони, СССР давлат спорт комитетининг Ўзбекистон бўйича тренери Сайфиддин ҲОДИЕВ чемпионат якунлари ҳақида сўзлаб берди.

— Ҳар бир спорт турининг ўзига хос оммавийлашган жойи бўлади. Назаримда республикамизда самбони ёқтиришади. Балки бунга миллий курашнинг бухороча усули билан самбо хатти-ҳаракатларидаги муштараклик сабабдир. Ўзбекистон терма командаси аъзолари орасида мамлакат ва жаҳон майдонларида довруқ қозонган самбочиларнинг борлиги шундан далолат.

Дастлабки беш вазнда полвонларимиздан тўққиз киши кураш майдонига чиққан эди. Улардан фақат 48 килограмм вазнли Игорь Пискарев бронза медалини олишга муваффақ бўлди. Қолган саккиз спортчимиз финалгача имкониятни бой беришди. Албатта, бу вакилларимиз осонгина ютқазишибди-да, деган фикрни англатмайди. Балки самбочиларнинг мусобақага бағоят кучли составда келишгани ва машқларни тобига етказишганидан нишона.

Беллашувларнинг учинчи ва тўртинчи кунлари янада қизиқарли олишувлар бўлди. 52 килограмм вазнли полвонларнинг чиқишини сабрсизлик билан кутишга тўғри келди. Чунки бу вазнда арманистонлик халқаро классдаги спорт мастери Гурген Тутхалян билан республикамиз вакили, жаҳон чемпиони Бобомурод Файзиев куч синашиши лозим эди. Икки кучли полвон ўртага чиққанда олқишлар янгради. Бобомурод сўнгги дақиқаларда фаоллик ва маҳорат кўрсатиб, Гургенни доғда қолдирди. Ҳар иккала спортчи шу кунгача ўзаро тўрт марта учрашган бўлса, уларнинг беллашувлари ҳамиша қизиқарли ўтган. Шу тариқа Б. Файзиев медалларини мамлакат чемпионати олтин медали билан бойитишга муваффақ бўлди.

Истиқболли полвонларимиздан Эркин Ҳолиқов ҳам мухлисларни қувонтирди. У ҳал қилувчи баҳсда белоруссиялик Виктор Бухвал билан беллашди. Ўтган йили Пермда ўтказилган мусобақада Викторнинг қўли баланд келган эди. Ушанда Эркин иккинчи совринли ўринни эгаллаб жаҳон чемпионати қолиб, Европа биринчилигида қатнашишга мажбур бўлган эди. Сирасини айтганда, Виктор жисмонан бақувват. Эркин эса тезкор, чапдест ва усулларни вақтида ишлата билиши билан ажралиб туради. Бу сафар Европа чемпиони Эркин Холиқов рақибидан устун келиб, қўлини баланд кўтарганча, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

Шунингдек, москвалик В. Ходирев, В. Гурин, В. Шкалов, Ленинграддан А. Новиков, Минскдан В. Яринчев, тбилисилик Д. Мчедешвили, Владивостокдан А. Аксёнов ҳамда РСФСР терма командаси аъзоси Х. Хапайлар ғалаба қозониб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш имконигига эга бўлишди. Бу йил Европа чемпионати Софияда ўтказилса, жаҳон чемпионати Италиянинг Милан шаҳрида бўлади. Мамлакат чемпионатида олтин медалга эга бўлганлар жаҳон биринчилигига йўл олсалар, кумуш медаль совриндорлари қитъа чемпионатида иштирок этадилар. Бир сўз билан айтганда Тошкентда ўтказилган мамлакат чемпионати кучли полвонларни саралаш, ёшлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди.

Суҳбатни Ўзбекистон радиоси мухбири **А. АЛИМОВ** ёзиб олди.

• Фоторепортаж



ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганч шаҳридаги область туғуруқхонаси ҳузурида янги акушерлик корпуси иш бошлади. У Ватанимизда ҳамда чет элларда ишлаб чиқарилган замонавий медицина жиҳозлари билан таъминланган.

Бу ерда қишлоқ туғуруқхоналари медицина ходимларига консультация бериш мақсадида методик марказ ташкил этилган.

Суратларда: бўлим бошлиғи Людмила Шин кўрик пайтида. Пастда эса янги акушерлик корпусини кўриб турибсиз.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

Туташ линия

● Қорақалпоғистон жанубида 27 километрли электр линияси ишга тушди.

У Элликқала ҳамда Жомбасқала массивлари, бутун қўриқ зонадаги колхоз ва совхозларни энергия билан муқим ва пухта таъминлаб турадиган бўлди.

Бу йил Автоном республика қишлоқларини электрлаштириш программасига мувофиқ 390 километр электр линияси тортиш, олтита кучли район подстанциясини ишга туширишрежалаштирилган. (ЎзТАГ).

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 20 мартда чиқади).

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

«ТОШКЕНТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Туристик поездда саёҳат қилиш тошкентликлар ва республикамиз меҳнаткашларига кўпдан бери ёқиб қолди.

Купели вагончалардаги яхши шароит, вагон —ресторанларда бемалол овқатланиш, саёҳат маршрути бўйича ҳаракат пайтида Ватанимизнинг бепоён кенгликларини томоша қилиш кишига завқ бағишлайди.

«ТОШКЕНТ» туристик поездининг маршрути Волгоград, Харьков, Минск, Брест, Вильнюс, Калининград, Рига ва Ленинграддан ўтади.

Саёҳат программасида аввало Волга бўйидаги қаҳрамон шаҳар Волгоград билан танишиш белгиланган. Бу ерда туристлар шаҳар бўйлаб қизиқарли саёҳатда бўладилар. Қаҳрамонона кураш жойлари, жанг жойларини кўздан кечиришади. Мамаев Қўрғонда Сталинград жанги қаҳрамонларига бағишланган ёдгорлик ансамблини кўришади.

Сўнгра туристик поезд Украинанинг йирик саноат маркази Харьковда тўхтайди.

Харьковдан туристлар Белоруссия ССРнинг пойтахти, мамлакатимизнинг йирик саноат ва маданият маркази бўлган Минск шаҳрига йўл оладилар. Буг дарёси соҳилларининг ҳимоячилари Улуғ Ватан уруши тарихи йилномасига шонли саҳифалар ёзишган. Брест мудофааси қаҳрамонлиги музейида ана шу воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар билан танишиш мумкин.

Саёҳат программасида Совет Латвияси пойтахти Вильнюс билан танишишга алоҳида ўрин берилган.

Туристлар шаҳарнинг кўҳна кўчалари, ўрта асрларга оид қасрлар ва янги турар жой районларини томоша қилишади.

Туристлар Калининградга келгач, шаҳарни томоша қилиб, музей—блиндажда ҳам бўладилар.

Маршрутнинг навбатдаги бекати Рига шаҳрида. Бу ерда таниқли революционер арбоблар шарафига ўрнатилган ёдгорликларни кўздан кечириш имконияти берилади.

Саёҳатнинг сўнгги кунлари Нева бўйидаги қаҳрамон шаҳар — Ленинград билан танишишга бағишланади.

Саёҳат 19 майдан 5 июнгача давом этади.

Путёвканинг тахминий баҳоси 270 сўм.

Путевка нархига ҳар икки томонга йўл кира ҳақи, вагон-ресторанларда овқатланиш ва саёҳат давомида тўхталадиган шаҳарларда экскурсия ўтказиш тўлови киради.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин. 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефон — 39-13-12.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: табиий факультетларида сиёсий иқтисод (фан доктори); паст бўйли ўсимликлар, микробиология ва биотехнология (фан доктори ёки кандидати).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, маъмурий бино, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими. Телефон — 46-02-22.

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент давлат университети базасидаги

ИНСТИТУТЛАРАРО ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ (МЦОНИ)

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1987 йил 1 апрелгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй.

●

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ИЛМИЙ-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 4 апрелгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700002, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 10-уй.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/III да **Дон Кихот**, 19/III да **Майсаранинг иши**, 20/III да **Дунёнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/III да **Келинлар кўзголони**, 20/III да **Сўнгги қабул.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/III да **Чароғондир чўлда юлдузлар**, 19/III да **Ҳийлаи шаръий**, 20/III да **Ёшликда берган кўнгил.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да **Узоқ қишлоқ** (19.00), 19/III да **Вестсайд—87** (19.00), 20/III да **Майсаранинг иши** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА» атракционининг гастроллари** (19.30).

«СредазНИПИнефть» институти коллективи геология-минералогия фанлари кандидати, институт илмий секретари А. У. Умаровга отаси

Умар КАРИМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Гидроингео» институти коллективлари институт директорининг ўринбосари С. У. Умаровга отаси

Умар КАРИМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети бадиий коллективлари «Маҳом» ансамблининг хонандаси К. Исмоиловга отаси

Қурвонбой ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз комитетлари ҳамда геология факультети коллективи геология факультети доценти Ҳ. О. Отабоевга акаси

Ҳасан ОТАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Тингланг, томоша қилинг*

18 март, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — «Терговга киришилсин». Бадиий фильм, 2-серия. 10.20 — Париж Коммунасининг йиллигига. 10.45 — Ҳужжатли фильм. 11.00 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.05 — К. Паустовскийни ўқиб. 18.00 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Останкино концерт студиясида учрашув. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Европа кубоги. 1/4 финал. 22.45 — Шахмат шаҳри. 23.45 — Дунё воқеалари. 23.55 — Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Жамиятшунослик. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — К. Паустовскийни ўқиб. 13.00 — «Ғалати никоҳ». Бадиий фильм, 2 ва 3-сериялар. 15.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Жаҳон музикаси маданияти хазинасидан. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00 — «Ғалати никоҳ». Бадиий фильм. 3-серия. 23.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Янги китоблар. 7.50 — Салом, кичкинтойлар. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Абитуриент-87. 18.15 — Беподён Ватаним менинг телевизион фестивали. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида Қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Классик ва халқ қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.00 — Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 22.35 — «Ассалом баҳор».

ЎзТВ-II. 19.30 — Пионер телетайёри. 19.40 — Париж Коммунаси кунига. 19.55 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Оперетта шинавандаларига. 21.00 —Тошкент области қурилиш майдонларида. 21.30 — Время.

ФРУНЗЕ. 22.00 — «Тўсиқлар полосаси». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Мактаб, оила, тарбия. 10.15 — Бойчечак қўшиғи. 10.40 — Қармоқ. 11.15 — Юность. 12.10— Узбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — А. Троицкий куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Гулдаста. 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Республика халқ артистлари Ҳ. Охунова ва К. Раҳимов ижро этади. 19.20 — Аланга. 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 21.00 — «Халқлар дўстлиги» радиоантологияси. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Симфоник ва камер куйлардан концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08634. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 63. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12